

Xabar

25
(926)-son

18-iyun

www.xabar.uz
info@xabar.uz
xabar@uzpak.uz

2010

O'ZBEKISTON ALOQA VA AXBOROTLASHTIRISH AGENTLIGI NASHRI 1992-yil martdan chiqq boshlagan

VIRTUAL PRIVATE NETWORK

Тезкор электрон ахборот алмашиш технологияси



VPN тармоғининг юзага келишига хориж телекоммуникация тармоқларида 60-йилларда пайдо бўлган CENTREX хизмати асос бўлган. Бугунги кунда VPNдан фойдаланувчилар сони кундан-кунга ортиб бормоқда. Жумладан, Тошкент ахборот технологиялари университети ўзининг VPN тармоғига эга бўлиб, ўз филиалларида ҳам ушбу тармоқни жорий этмоқда.

5-бет

КЎНГИЛЛАРГА ЖОН БАХШ ЭТИБ

Тошкент ахборот технологиялари университети Урганч филиалида Хоразм вилояти Қизил ярим ой жамияти билан ҳамкорликда 14 июн — Донорлар кунига бағишланган семинар бўлиб ўтди.

Семинарда вилоят ҚЯОЖ ташкилий ишлар бўлими етакчиси Д.Абдуллаева, ТАТУ Урганч филиали профессор-ўқитувчилари ва талабалар қатнашди. Унда Д.Абдуллаева ҚЯОЖнинг ташкил топиши, тамгалар пайдо бўлиши тамойиллари ва Хоразм вилояти ҚЯОЖ фаолияти, “Қон ва унинг таркибий қисмлари донорлиги” ва бу борада вилоятда тўртта дастур бўйича иш олиб борилаётганлиги ҳақида гапириб ўтди. Маърузачи, шунингдек, сил касаллиги, фавкулда вазиятларда биринчи ёрдам кўрсатиш, халқаро гуманитар ҳуқуқлар бўйича батафсил маълумот берди.

Тадбир сўнгида талабалар мазкур мавзу бўйича маълумотларни ўз тенгдошларига етказиши лозимлиги айтилди. Улар орасидан кўнгилиларни вилоят ҚЯОЖга аъзо қилиш вазифаси ҳал этилди. Талабалар ўзларини қизиқтирган саволлар билан мутахассисларга мурожаат қилдилар.

**А.МАТНИЯЗОВ,
С.ОТАЖОНОВА,
ТАТУ Урганч филиали
ўқитувчилари**

Сўнги янгилик!



Алоқа оламида:

Уэлс университети (Буюк Британия)да масофадан имтиҳон топширувчи талабаларни кузатувчи дастурий маҳсулот устида синнов ишлари бошланди. Дастур Американинг Software Secure компаниясида ишлаб чиқилган.

Бу дастур имтиҳон топшириладиган компютерга ўрнатилади. Имтиҳон материалларидан фойдаланиш учун талаба ўз бармоқ изларини қолдириши керак. Имтиҳон чоғида талаба видео ва аудиоёзувни амалга оширувчи веб-камеранинг доимий “нигоҳи”да бўлиши талаб этилади — бу ўқитувчига имтиҳон топширувчи ростдан ҳам топшириқларни мустақил бажараётганини аниқлаш имконини беради.

Бундан ташқари, дастур имтиҳон пайтида бошқа файллар ёки веб-сайтларга мурожаат қилиш эҳтимолини чеклайди.

Ушбу сонда:

- Оқ йўл, магистрлар! 2
- Қўшимча хизмат турлари 3
- Кудда пойти учиться? 6
- Почта+Банк: Ҳамкасбларимиз тажрибаси 11
- Шоҳизинда 16

Теледастурлар, спорт, кроссвордлар

ИНТЕРНЕТ ҲАМКОРИМИЗ

Uz Net — сифат рамзидир
Internet Service Provider

Jumadan Jumagacha

Шу йилнинг 16 июн куни Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов билан БМТ Бош котиби Пан Ги Муннинг телефон орқали мулоқоти бўлиб ўтди.

Мулоқот чоғида Қирғизистон Республикаси жанубида юзага келган вазият ва қочқинлар лагерларидаги аҳвол тўғрисида атрофлича фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президентининг Қўсарой қароргоҳида 11 июн куни Шанхай ҳамкорлик ташкилоти Давлат раҳбарлари кенгашининг навбатдаги ўнинчи мажлиси бўлиб ўтди. Давлат раҳбарлари ШХТ доирасида кўп томонлама ҳамкорлик стратегияси ва унинг устувор йўналишлари, жаҳон молиявий-иқтисодий инқирози таъсирини юмшатиш ва оқибатларини бартараф этишга, иқтисодий ва ижтимоий соҳалардаги алоқаларга оид долзарб масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислам Каримов Қўсарой қароргоҳида 11 июн куни Шанхай ҳамкорлик ташкилотининг Тошкент саммити доирасида Покистон Ислам Республикаси Президенти Осиф Али Зардорий, Тожикистон Республикаси Президенти Имомали Раҳмон, Ҳиндистон Республикаси ташқи ишлар вазири Соманахалли Малайя Кришнани қабул қилди.

Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институтида Ўзбекистон Республикаси Фуқаролик процессуал кодекси мониторинги натижаларига бағишлаб давра суҳбати ўтказилди. Давра суҳбати иштирокчилари томонидан ўтказилган мониторинг натижалари юзасидан Ўзбекистон Республикасининг Фуқаролик процессуал кодекси нормаларини такомиллаштириш бўйича ишлаб чиқилган илмий-амалий тавсиялар маъқулланди.

Пойтахтимизда Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Қонунчилик палатаси, Ўзбекистон Республикаси Қишлоқ ва сув хўжалиги вазирлиги, Ўзбекистон Фермер хўжаликлари уюшмаси ҳамда ЮНЕСКОнинг Ўзбекистондаги ваколатхонаси ҳамкорлигида "Тупроқ унумдорлигини тиклаш ва яхшилашда индифофера ўсимлигининг аҳамияти ҳамда табиий бўёқлар биотехнологияси" мавзусида ўқув-амалий семинар ўтказилди.

Тошкентдаги "Ўзэкспомарказ" мажмуида Халқаро sanoat ярмаркаси ва Кооперация биржаси доирасида геология, ёқилғи-энергетика, кимё, нефт-кимё ва металлургия тизими корхоналарининг sanoat тармоқ ярмаркаси бўлиб ўтди.

Римда италян тилида чоп этиладиган "Ўзбекистон бугун" журналининг навбатдаги сони нашрдан чиқди. У мамлакатимизнинг Италиядаги элчихонаси томонидан "Атесграфика" нашриёт уйи кўмагида тайёрланди. Ранг-баранг суратлар билан безатилган нашрдан мамлакатимизда турли соҳаларда олиб борилаётган ислохотлар ҳақидаги кўнлаб маълумотлар ўрин олган.

Ҳар йилгидек бу йил ҳам Тошкент ахборот технологиялари университетида магистрларга диплом топшириш маросими тантанали ўтказилди. Унда Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори ўринбосари А.Хўжаев, Тошкент шаҳар маънавият тарғиботи маркази раҳбари И.Абдуғаниев, ТАТУ профессор-ўқитувчилари, талабалар, битирувчи магистрлар ва уларнинг ота-оналари ҳамда алоқа корхоналари вакиллари иштирок этди.



Ок йўл, магистрлар!



Маросимни университет ректори С.Қосимов очиб, битирувчиларни ушбу қувончли кун билан муборакбод этиб, уларга мустақил ҳаётларидаги ишларида муваффақиятлар тилади. Сўнг А.Хўжаев сўзга чиқиб, ёшларни сиқилдирилган табриқлари ва Агентлик Бош директорининг битирувчи магистрларга йўлаган табриқ хатини ўқиб эшиттирди.

ТАТУда малакали илмий кадрлар тайёрлаш асосий мақсад қилиб олинган ва бу борда университет етарли моддий техник базага, илмий салоҳиятга эга. Ўтган ўн йил мобайнида бу ердан етишиб чиққан 1200дан ортиқ магистрлар малакали мутахассислар сифатида турли алоқа корхоналарида самарали меҳнат қилиб келмоқда. Университетнинг туртга

— Иқтисод ва бошқарув, Ахборот технологиялари, Радиотехника, радиоалоқа ва теле-радиоэшиштириш, Телекоммуникация технологиялари факултетларида магистратура бўлими мавжуд бўлиб, бу йил мазкур факултетларни 176 нафар магистр тамомлади.

Университетда магистрларнинг билим олишлари ва илмий фаолият олиб боришлари учун барча имкониятлар яратилган. Катта фондга эга ахборот-ресурс маркази, виртуал лаборатория ишлари ва маъруза матнлари билан бойитилган электрон кутубхона, интернет тармоғига уланган компютер синфлари улар ихтиёрида. Магистрларнинг хорижий мамлакатлар олий ўқув юрларида ҳам малака ошириб келишлари йўлга қўйилган. Бундан ташқари, уни-

верситет магистратура бўлими кадрлар тайёрлашда қатор корхона ва ташкилотлар, жумладан, ЎзААА, "Ўзбектелеком" АК, "МТС-Ўзбекистон", "Билайн", "East Telecom" билан яқиндан ҳамкорлик алоқаларини ўрнатган. Албатта, булар ўзининг ижобий самараларини бермоқда. Бу йилги битирувчиларнинг магистрлик ишлари Давлат аттестация комиссияси томонидан юқори баҳолангани ҳам фикримиз исботидир.

Маросимда ота-оналар номидан сўзга чиққан Л.Суворова ҳамда Н.Раҳимбоевалар фарзандлари учун яратиб берилган барча шарт-шароитлар учун университет раҳбариятига, таълим берган устозларга миннатдорчилик билдирдилар, ёшларни олган билимларини мустақил Ватанимиз тараққиёти йўлида сарф қилишга, устозлари ишончини оқлашга даявга эдилар. Ўз навбатида, магистрлардан А.Сайдалиев ва Н.Жоматовалар сўзга чиқиб, малакали мутахассислар сифатида республикамиз алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тараққиётига ҳисса қўшишларини таъкидладилар.

Шу кун магистрлар Ў.Худойназаров, С.Раҳимбоев ва Л.Абдурашидовалар учун қўшалок хурсандчилик бўлди. Улар ТАТУ ва "Алеском" сугурта компанияси ўргасидаги келишувга асосан ташкил этилган "Энг яхши магистрлик диссертацияси" танлови ғолиблари деб эълон қилинди. Ғолибларга сугурта компанияси бош директори ўринбосари Ф.Ҳасанов томонидан сертификат ва пул мукофотлари топширилди.

Усмоиёнов Йўлдошев

Бухорода класстер-мактаблар

Бухоро вилоятидаги бир қатор умумтаълим мактаблари таълим-тарбия жараёни Давлат умумий дастури асосида қайта қўрилиб, давр талаблари даражасида тўри йўлга қўйилган. Бухоро туманидаги 23-умумтаълим мактаби ана шундай билим даргоҳларидан биридир.

Эътиборли томони шундаки, мазкур масканда Осиё тараққиёти банки кредити ҳисобидан мактаб компютер синфидан иборат класстер-мактаб ташкил этилган бўлиб, ундаги машғулотларда ўқувчилар катта қизиқиш билан иштирок этмоқдалар. Банк томонидан мактабга киритилган таълим инвестицияси болаларнинг компютер саводхонлигини ошириш, уларнинг фан асосларини пухта ўзлаштириб олишларида муҳим аҳамият касб этяпти.

Шуниси диққатга сазоворки, класстер-мактаб фаолият бошлаган кундан бу ерда бир қатор қўшни умумтаълим мактабларининг ўқувчи-

ёшлари ҳам электрон дарсликлар ва интернетдан фойдаланиш имконига эга бўлишди. Шунингдек, тумандаги 1, 9, 21 ва 30-умумтаълим мактабларида ҳам Осиё тараққиёти банкининг кредитлари ҳисобига компютер синфлари ташкил этилиб, ахборот-ресурс марказлари давр талаблари даражасида қайта жиҳозланди.

Туманда ҳозирги пайтда жами 56та умумтаълим мактаби бўлиб, уларда 20920 нафар ўқувчи турли фанлар асосларини ўрганапти. Мактаблар моддий-техника базаси мустаҳкамланаётганлиги, АКТдан унумли фойдаланилаётганлиги дарс машғулотлари сифат ва самардорлигини оширишни, билим даргоҳларининг эса рейтинг кўрсаткичлари юқори бўлишини таъминламоқда. Туман таълим тизими кўрсаткичлари ҳозирги пайтда рейтинг бўйича вилоятда тўртинчи ўринда эканлиги ҳам фикримиз исботидир.

И.АСКАРОВ

Чагам йўлидаги “чопар”

Ўтган Кишлоқ тараккиёти ва фаровонлиги йилида Денов почта алоқаси тармоғига ҳам янги, ихтисослашган “Дамас” русумли машина берилди. Шу тарзда тумanning олис манзилларига хизмат киладиган кўчма алоқа бўлими ташкил этилди.

Янгилик Куёв сув, Сина, Чагам ва Ушор каби тоғолди қишлоқлари аҳолисини бағоят мамнун этди. Улар Давлат дастури доирасидаги бу ишни эл-юрт фаровонлиги кўзланган яна бир хайрли тadbир деб қабул қилишди.

Бир йилдан кўпроқ вақт бўлибдики, Холмирза Турсунов бошқараётган ҳаракатдаги алоқа бўлими барча маъсулиятни зиммасига олган ҳолда фаолият кўрсатмоқда. Хусусан, туман марказидан ҳаммаси юз чақирим наридаги Чагам қишлоғи йўлида ана шу замонавий “чопар”ни тез-тез учратиш мумкин. У нафақат тоғолди қишлоқ-

ларига тегишли турли почта жўнатмалари, хат-хабар ва газета-журналларни етказиб бермоқда, балки ахборот технологиялари асосида тезкор хизмат ҳам кўрсатмоқда. Натижада коммунал тўловлар билан боғлиқ ташвишларга барҳам берилаяпти.

Денов почта алоқаси тармоғи илораси темир йўл бўйидаги баланд жойга ўрнашган. Бинонинг иккинчи қаватидан кунботар томон боқсангиз, Ҳисортоғ тизмаларига туташ кенгликлар шундай қўл чўзса етгудек яқин кўринади. Аслида у ердаги Ушор каби қишлоққа бориб келиш учун анча вақт кетади. Аммо кўчма

алоқа бўлими бошлиғи Холмирза Турсунов Боботоғнинг Чагамидан Ҳисортоғнинг Синасигача бўлган йўлни босиб ўтишга улгурмоқда.

Натижада қутилганидан тезкор хизмат таъминланмоқда. Фақат бу эмас, кўчма алоқа бўлими Бандихон туманидаги “Наврўз” алоқа бўлимига ҳам ўз вақтида қатнаб турибди. Унинг узлуксиз ҳаракати эвазига кўрсатилаётган хизмат самаралорлиги аввалгига нисбатан анча юқори бўлмоқда.

— Жорий йилнинг ўтган биринчи чорагини 27 миллион сўм соф фойда билан яқунладик, — дейди Денов почта алоқаси тармоғи раҳбари Умбарали Баротов. — Бунда, албатта, кўчма алоқа бўлимининг йўлга қўйилгани ва гибрид, электрон почта хизматларидан, компютер ҳамда интернет-кафе имкониятларидан кенг фойдаланилаётгани

муҳим аҳамият касб этади.

...Фидойи инсон Холмирза Турсунов яна саҳар мардондан кўзланган манзил томон чоғланди. Кўп ўтмай Чагам йўлида замонавий “чопар” — кўчма алоқа бўлими олға ҳаракатлана бошлади. Бу чоғ қарши томонда салобат тўкиб турган Боботоғ ортдан қуёш кўтарилаётган эди. “Насиб бўлса чоғшоғга қадар Чагамдан Деновга қайтиб келаман”, — деб қўйди Холмирза яхши ният қилиб. Ҳа, унинг ҳар бир меҳнат куни шундай унумли ва гаштли ўтмоқда. Энг муҳими, кўчма алоқа бўлимининг олис қишлоқларга ҳар бир ташрифи одамлар қувончига-қувонч улашмоқда.

Нортожи ЗИЁЕВ,
“Хабар”нинг Сурхондарё
вилоятидаги мухбири

QISHLOQDA TELEKOMMUNIKATSIYA

Вазифа

Мамлакатимизда алоқа, коммуникация тизими самаралорлигини ошириш, хизмат кўрсатиш маданиятини юксалтириш, замонавий алоқа технологияларини амалга татбиқ этишга алоҳида эътибор берилмоқда.

Албатта, мамлакатимиз иқтисодий раванқи, халқимиз турмуш фаровонлигини кўзлаб ўтказилаётган туб ислохотлар алоқачилар зиммасига катта маъсулият юклайди.

Зокиржон Тошкент ахборот технологиялари университетини 2003 йил тугаллагач, Фарғона шаҳридаги 23-АТСда катта электромеханик бўлиб иш бошлади. Сўнгра бир йил Тошкент олий ҳарбий билим юрти алоқа ротасида ҳарбий хизматни ўтади. 2004 йилдан 2006 йилгача Фарғона шаҳридаги 24-АТСда тармоқ муҳандиси вазифасида меҳнат қилди. Ҳозирда Охундобоев телекоммуникациялар боғламаси бошлиғи вазифасида ишлаб келмоқда.

— Туманимиз аҳолисининг алоқа хизмати барча турларига бўлган талабларини қондиришга астойдил ҳаракат қилаямиз, — дейди Зокиржон Тўйчиев. — Туманда ҳозирда 1702та телефон нуқтасига хизмат кўрсатилмоқда. Туман маркази, Лангар ва Чимкент қишлоқларида “Хуавеи” рақамли станциялари ишлаб турибди. Ўтган йилнинг бошида Қоражойла қишлоғида “Коинот ЭЛ-СГМ” телефон қурилмаси ўрнатилиб, ишга туширилди. Бу билан қишлоқдаги 208та хонадонга телефонлар кириб борди.

Лангар ва Қорақўшчи қишлоқлари оралиғида 11 километр масофадаги кабеллар оптик толалари кабелларга алмаштирилди. Бундан аҳоли мамнун. Барқамол авлод йилида боғлама жамоаси Дўрмон ва Қораариқ қишлоқларидаги алоқа тизимларига рақамли станцияларни ўрнатиш таралудини кўришяпти. Алоқа хизматини талаблар даражасига қўтаришда бош муҳандис Ғайратжон Мирзақандов, мижозлар бўлими оператори Муҳаммаджон Холматов, электромонтер Равшан Усмонов, кабел пайвандчи Мухтор Юсуфовларнинг улуши катта бўлмоқда. Туман аҳолисига қўлайликлар яратиш мақсадида шаҳарлараро ва халқаро сўзлашувлар учун тўғридан-тўғри чиқиш йўлга қўйилди, қўшимча алоқа хизмати турларидан фойдаланиш имконияти яратилди. Айни пайтда боғлама абонентларига 16 турдаги қўшимча хизматни тақдим этилди. Ўтган йили қўшимча хизмат турларидан фойдаланаётган абонентлар сони 980тага ташкил этди. Режадаги 8 миллион сўмдан зиёд хизмат кўрсатилди. 2009 йилда туман телекоммуникациялар боғламаси ҳудуддаги 105та корхона, ташкилот ва муассасаларга ҳамда аҳолига 852449 сўмлик алоқа хизмати кўрсатиб, режани 110 фоизга бажаришга эришди. Ўтган йилнинг бошидан интернет тармоғи ишга тушган бўлиб, 10га яқин ташкилот ва фермер хўжаликлари унга уланган.

Тумандаги ижобий ўзгаришларнинг барчасида Зокиржон Тўйчиевнинг хизмати ва муносиб ҳиссаси бор. Унинг жорий йилда ўз олдига муҳим вазифа қилиб қўйган мақсади туман марказидан 8 километр олисдаги Пахтакор қишлоғида электрон телефон станцияси бунёд этиши.

М.МАҲМУДОВ

QILMISH QIDIRMISH



Диск “қароқчиси” ушланди

Эдуард Стоцкий айбини тан олмади. Унинг айтишича, хонадонидagi 20 дона икки кассетали магнитофон, 2 дона компютер, 946 дона ойнали ҳамда 622 дона пластмасса диск идиши, минглаб лазер дисклар ҳамда аудиокассеталар, 2000дан ортиқ турли филмлар ёзилган (4таси порнографик мазмундаги) CD ҳамда DVD дисклар, 6та рангли принтер, фотоқоғозлар, қоғоз кескич ва бошқа маҳсулотлар шахсий коллекцияси экан...

Юқоридаги фактлар Департаментнинг Тошкент шаҳар, Юнусобод тумани тезкор ходимлари томонидан ўтказилган рейд чоғида маълум бўлди. Аммо К.Зарипова тор кўчасида истиқомат қилувчи Э.Стоцкий хонадонда сақланаётган мазкур маҳсулотлар ўзининг шахсий коллекцияси эканини, уларни Янгибод бозоридан арзон нархларда сотиб олганини маълум қилди.

Лекин ўтказилган текширув, гувоҳлар берган маълумотлар Стоцкийнинг нафақат алдоқчилигини, балки учига чиққан қаллоб, ўзганинг меҳнати эвазига тирикчилик қилаётган шахс эканлигини кўрсатиб берди. Зеро, унинг уйдан топилган CD ҳамда DVD лазер дискларида ёзилган ҳужжатли, кино ҳамда мултифилмлар ўзгаларнинг интеллектуал мулки эканлиги, уларни кўпайтириш, сотиш ҳамда даромад олиш қонунга хилоф эканлиги барчага кундек равшан.

Қўлга киритилган дисклар ичида “Warner Brosers Home Entertainment Ink” компаниясига қарашли бир неча фильмлар бўлиб, мазкур фильмларни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида тарқатиш ва сотиш фақатгина “CD PROFI” МЧЖга тегишли. Бундан кўришиб турибдики, амалдаги қонунчилигимиз, “Ўзбекистон Республикаси муаллифлик ва турлош ҳуқуқлар тўғрисидаги” қонунга мувофиқ ушбу корхона етказилган зарарни ундириш ҳуқуқига эга.

Охир-оқибат айбланувчи Эдуард Стоцкий Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодекси 190-моддаси, 2-қисми “б” банди билан айбдор деб топилди ва катта миқдордаги жарима жазосига тортилди.

Адхам ИСМОИЛОВ,
Бош прокуратура ҳузурдаги СВОЖДЛК
Департаменти Тошкент шаҳар Юнусобод тумани
катта инспектори

“Билайн” миллионерларнинг дастлабки еттилигини аниқлади

“Билайн” ягона алоқа оператори янги ва амалдаги абонентлари учун ўтказган мегаакциясининг дастлабки яқунларини чиқарди. Эслатиб ўтамиз, 31 майдан бошлаб абонентларнинг ҳар бири 1 миллион сўм, кўплаб бонуслар ва суперсоврин — “Chevrolet Captiva” автомобилига эга бўлиши мумкин.

11 июн, соат 20:00да “Ўзбегим таронаси” радиосида “Билайн” совринларининг биринчи ўйини бошланди. Унда 31 майдан то 6 июнгача алоқа харажатларига камида 2000 сўм сарфлаган барча абонентлар қатнашдилар. FM 101 тўлқинидаги жонли эфир яқунлари бўйича етти киши бир миллион сўмдан олди.

Акция 2010 йилнинг 26 декабригача давом этади. Унда қатнашиш учун фақат “Билайн”га улашиш ва мулоқот қилиш керак. Оператор хизматлари (овозли алоқа, SMS, MMS, мобил интернет ва бошқалар) харажатлари календар ҳафтаси, яъни душанбадан якшанбагача камида 2000 сўмни ташкил қиладиганлар акциянинг фаол абонентлари ҳисобланади.

Xalqaro hayot



ЕР ҚАЪРИДА ЁТГАН БОЙЛИКЛАР

Америкалик экспертлар Афғонистон ҳудудидида бир триллион долларлик ер ости бойликларини топишганини айтишмоқда. Уларнинг айтишича, бу бойликлар қазиб олинмаган бўлса, Афғонистон Саудия Арабистони каби бой мамлакатга айланади.

Аниқланишича, афғон замини остида катта миқдорда темир, мис, олтин, ҳатто энг ноёб ҳисобланган литий ҳам бор. Мутахассисларнинг қайд этишича, ер остида бунча катта бойлик топилиши толибларни янаям фаолроқ ҳаракат қилишга ундаши мумкин. Чунки улар ҳам бу бойликларни қўлга киритишга уриниши шубҳасиз.

АҚШлик экспертлар 2006 йилдан 1980-йилларда шўро олимлари йиққан ҳуосаларга таянган ҳолда, Афғонистон ҳудудидан ер ости бойликларини излашни бошлаган эди.

СЎНГИ 20 ЙИЛДАГИ ЎСИШ

Нихоят, айна пайтга келиб, Европада ишлаб чиқариш суръатлари сезиларли даражада ошган.

Euronews телеканали хабаридида айтилишича, бу борада 9,5 фоиз ўсиш қайд этилган. Бу сўнгги 20 йил ичидаги энг юқори кўрсаткич ҳисобланади. Шунингдек, минтақада тайёрланаётган маҳсулотларга жаҳон бозоридида талаб ошиб борапти. Бу қитъа мамлакатларининг экспорт салоҳияти юксалишига хизмат қилмоқда.

Евронинг долларга нисбатан қарсизланиши ана шундай ижобий кўрсаткичларга олиб келган.

ЖАБРИНИ ТИНЧ АҲОЛИ КЎРЯПТИ

АР ахборот агентлиги тарқатган хабарга кўра, Мексикадаги наркогурӯҳлардан бирининг аъзолари мамлакат шимоли-шарқидида 20 кишини отиб ташлаган.

Ахборотда айтилишича, Тамаулипас штатидаги Сюдад-Мадеро шаҳрининг турли туманларидан 18 нафар эркек ва икки аёлнинг мурдаи топишган. Полиция вакилининг айтишича, улар ҳозиргача жиноят қилган томонидан амалга оширилгани тўғрисида ҳеч қандай маълумотга эга эмас. Бир кун олдин Чиуауа штатидаги гиёҳвандларни реабилитация қилиш марказида 19 киши отиб кетилган эди.

Мексиканин шимолий штатлари мамлакатнинг энг хавфли ҳудудларидан ҳисобланади. Бу штатларда АҚШга гиёҳванд моддалар етказиб бериш билан шуғуллангани ўнлаб наркогурӯҳлар фаолият олиб боради. Улар орасида чиқиб турадиган отишмалардан эса кўпинча тинч аҳоли жабр кўради.

САМОЛЁТ ҚУЛАБ ТУШДИ

“ИТАР-ТАСС” агентлигининг хабар беришича, Австралиядида унча катта бўлмаган самолёт ҳалокатга учраган. Ҳаво лайнери Сидней шаҳридаги мактаблардан бирининг яқинига қулаб тушган. Сўнг портлаш содир бўлиб, ёнғин юз берган. Оқибатда самолёт бошқарувчиси ҳаётдан кўз юмган, беш нафар ўқувчи тан жароҳати олган.

Давлат алоқа инспекциясининг Андижон вилояти бўлинмасида дастлаб иш бошлаган кунларини яхши эслайман. Ўзбекистон Республикаси ҳукуматининг 1991 йил январидидаги 13-қарорига асосан Ўзбекистон Республикаси алоқа вазириликнинг таркибига кирувчи Электромагнит мослашув маркази негизидида Давлат алоқа инспекцияси ҳамда вилоятларда бўлинмалари ташкил этилди.

Юксалиш йўллари

Алоқа инспекцияси ва унинг бўлинмалари зиммасига мулкчилик шакли ва илоравий бўйсунушидан қатъи назар почта ва телекоммуникациялар соҳасида хизматлар кўрсатувчи, шунингдек, телекоммуникация ва почта тизимлари ҳамда иншоотларини лойиҳалаштирувчи, курувчи юридик ва жисмоний шахслар томонидан алоқа соҳасига оид амалдаги қонунлар ва норматив ҳужжатлар, давлат ҳамда тармоқ стандартлари талабларига риоя қилиниши, хизматлар кўрсатиш сифати устидан назоратни ҳамда истеъмолчилар ҳуқуқлари ҳимоя қилиниши таъминлашдек заворли вазифалар юклатилди.

Мен 1991 йилнинг июнидан Давлат алоқа инспекциясининг Андижон вилояти бўлинмасида катта инспектор вазифасида ишлаб бошладим. Бу ерда бўлинма фаолият доирасининг кенглиги, алоқа соҳасининг барча тармоқлари билан деярли бир вақтнинг ўзидида шуғулланилиши дастлаб бир оз қийинчилик туғдирган бўлса-да, биз, янги бўлинма ходимлари бунга тез кўникиб кетдик. Тажриба ва билимимизга, тизимдаги бошқа корхона ва идоралар кўмағига таяниб, зиммаимиздаги вазифаларни, инспекция раҳбарияти топириқларини ўз вақтида талаб даражасида бажаришга интилдик.

Давлат алоқа инспекцияси ташкил этилган дастлабки даврда инспекциямиз Андижон шаҳар почта-биносининг ўша вақтдаги пасткам хоналарининг бирида жойлашган бўлиб, мебел жиҳозлари етишмас, ёзув машинкаси ва автотранспорт йўқ эди. Инспекциямиз назоратидаги субъектлар сони 54тани ташкил этарди.

Кўп ўтмай, 1992 йилнинг февралдан алоқа инспекциянинг вилоят бўлинмасига бошлиқ вазифасини бажарувчи, июл ойидан бошлаб бошлиқ этиб тайинландим. У пайтда республикамиз ўз мустақиллигини эндигина қўлга киритган, алоқа телефон станциялари кўп қаватли биноларда, катта ҳажмдаги майдонларни эгаллаган ҳолда фаолият кўрсатарди. Уларнинг қўплари замонавий талабларга мутлақо жавоб бермас, кам самарали жиҳозлар хизмат сифатида ҳам салбий таъсир кўрсатиб келарди.

Республикамиз Президентининг ташаббуслари билан илгари сурилган ислоҳотлар алоқа соҳасига ҳам ўз таъсирини кўрсатмай қолмади ҳамда бутунлай янги ўзанларга солиб юборди. Япония, Корея, Хитой ва бошқа давлатлар тажрибасига мурожаат қилинганлиги, инвестицияларни жалб этилганлиги, айниқса, муҳим аҳамиятга эга бўлди.

Шу тарзда алоқа соҳасини жадал ривожлантиришнинг умумий имкониятлари юзага чиқди, республикамиз фуқароларида унинг юксалишига ишонч уйғонди.

Президент ва ҳукуматнинг замонавий ахборот-коммуникация технологиялари, йўлдошли тизимлар, интернет тармоғи, ахбороти олиш ва тарқатишнинг бошқа электрон воситаларини қўллашга оид фармон ва қарорлари ижросида қатнашиш кишига қанчалик ҳузур бағишлаганлигини алоҳида таъкидлашни истардим. Давлат алоқа инспекция-

сининг Андижон вилояти бўлинмаси вилоят ҳудудида бўлаётган ўзгаришларда фаол қатнашиб келмоқда. Вилоят ҳудудида алоқа соҳасида катта ҳажмда капитал қурилиш ишлари амалга оширилмоқда. Замонавий технологиялар асосида ишлайдиган ихчам алоқа қурилмалари фойдаланишга топшириляпти.

Мустақиллик йилларида вилоятимиз ҳудудида уяли алоқа, маълумотлар узатиш, шу жумладан, эфир ва кабел телевидениеси ҳамда FM радиоси тармоқларининг кириб келиши, вилоят ҳудудида Кореянинг EDCF ҳамда Япониянинг JVIC лойи-

ҳалари амалга оширилиши, 434,2 километр масофага оптик толали кабелнинг ўтказилиши натижасида рақамли коммутация ва узатиш тизимларининг ишга туширилиши соҳада яна бир ижобий ўсишни таъминлади. Вилоят маркази туман ва шаҳар марказлари билан халқа шаклида бирлаштирилиб, кўрсатилаётган алоқа хизматларининг сифати ва ҳажмини ошириш имконияти яратилди. Хитой Халқ Республикасининг “Оксимбанк” и кредита асосида “Huawei” компаниясининг рақамли коммутация қурилмалари олиниб монтаж қилинди ҳамда телеузаткичлар ўрнатилиб, ишга туширилди. Инспекциямиз ходимлари бу тадбирларда иштирок этиб, амалга оширилаётган қурилиш ишлари сифатли бажарилиши устидан назорат ишларини талабчанлик билан ташкил этган ҳолда, мазкур лойиҳаларнинг сифатли яқунланишига ўз ҳиссаларини қўшдилар. Бундай ўзгаришлар натижасида бўлинма назоратидаги субъектларнинг сони 54тадан 110тага элди.

Давлат алоқа инспекцияси ташкил топганлигининг 20 йиллиги арафасида бўлинмада 1992-2004 йиллар давомида меҳнат қилган ҳамкасбларим Фозилжон Рўзиматов, Муслим Фахрутдинов, Эргаш Камолов ва Миркомил Сулаймоновларнинг номларини алоҳида қайд этиб ўтишни истардим. Чунки бу кишилар тизимдаги меҳнатлари билан бўлинма олдида қўйилган вазифаларни удалашга ўз улушларини қўшганлар. Ҳозирги кунда уларнинг ишларини иқтидорли ёшлар Абдуманноб Мама-собиров, Илҳом Абсаттаров ва Элмурод Мамадалиевлар давом эттириб келмоқдалар.

Ўтган даврда раҳбариятимиз сазъ-ҳаракатлари ва ёрдамлари билан инспекциямиз Андижон шаҳридаги 224-АТС биносининг шинам хоналарига жойлаштирилди ҳамда мебел жиҳозлари, компютерлар ва автотранспорт билан таъминланди, ходимлар учун барча шароитлар яратилди.

Ҳозирги кунда республикамизда алоқа ва ахборотлаштириш соҳасида замонавий технологиялар қўлланилиши, истеъмолчиларга янги технологиялар асосида алоқа хизматлари кўрсатилиши ва ушбу хизматларга аҳоли талаблари ошиб бориши вилоят Давлат алоқа инспекцияси ходимларидан ўз устларида ишлаш, доимий равишда билим савияларини ошириб боришни тақозо этмоқда. Шуларни ҳисобга олган ҳолда ДАИ раҳбарияти янги технологиялар бўйича ходимлар билимини ошириш мақсадида малака ошириш учун тегишли ўқув курсларига юбормоқда, бундан ташқари, бўлинмада мавжуд техник воситаларни замон талабларига мос техник воситаларга алмаштириш юзасидан доимий равишда ишлар олиб борилмоқда.

Алоқа ва ахборотлаштириш соҳаси тез ривожланиб бораётган бугунги кунда субъектлар томонидан аҳолига кўрсатилаётган алоқа хизматлари сифатини назорат қилиш ҳозирги куннинг талаби бўлиб бормоқда.

Рустамжон ТАВАКАЛОВ,
Андижон вилояти ДАИ катта инспектори

Рикр

Кийинчиликлар жасур одамнинг зехнига таъсир этмайди.

Сенекка

(Давоми. Бошланғичи 1-бетда.)

VPN ҶИЗИ НИМА?

VPN (Virtual Private Network – виртуал хусусий тармоқ) – мантқиқий тармоқ бўлиб, ўзидан юқоридаги бошқа тармоқ – интернет асосида қурилади. Бу тармоқда коммуникацияларда умумий хавфсиз бўлмаган тармоқ протоколларидан фойдаланилишига қарамай, шифрланган фойдаланган ҳолда ахборот алмашинида беғоналарга берк бўлган каналлар ташкил қилинади. VPN ташкилотнинг бир неча офисларини улар ўртасида назорат қилинмайдиган каналлардан фойдаланган ҳолда ягона тармоққа бирлаштириш имконини беради.

Ўз навбатида, VPN алоҳида тармоқ хусусиятларини қамраб олган, лекин бу тармоқ умумфойдаланиш тармоғи, хусусан, интернет орқали амалга оширилади. Туннеллаштириш методи ёрдамида маълумотлар пакети умумфойдаланиш тармоғи орқали худди оддий икки нуқтали боғланишдаги каби трансляция қилинади. Ҳар қайси “маълумот жўнатувчи-қабул қилувчи” жуфтлиги ўртасида маълумотларни бир протоколдан иккинчи протоколга инкапсуляция қилиш имконини берувчи ўзига хос туннел – хавфсиз мантқиқий боғланиш ўрнатилади.

Куйидагилар туннелнинг асосий компонентлари ҳисобланади:

- инициатор;
- маршрутланувчи тармоқ;
- туннел коммутатори;
- бир ёки бир неча туннел терминаллар.

VPNнинг ишлаш тамойили асосий тармоқ технологиялари ва протоколларидан фарқ қилмайди. Мисол учун, мижоз масофадан туриб фойдаланиш учун серверга боғланишда стандарт PPP (Personal Post Protocol) протоколнинг юборилади. Виртуал ажратилган линияларда локал тармоқлар ўртасида ҳам уларнинг маршрутизаторлари орқали PPP пакети алмашинади.

Виртуал хусусий тармоқни ташкиллашни айнан глобал тармоқ орқали кабел ўтказишга қийинлаш мумкин. Ушбу тармоқда масофадаги фойдаланувчи ва туннелнинг чекка қурилмаси ўртасидаги алоқа бевосита PPP протоколи бўйича ўрнатилади.

Фойдаланувчи нуқтаи назаридан VPNнинг моҳияти – “виртуал ҳимояланган туннел” ёки у орқали масофадан туриб интернетнинг очиқ каналлари орқали маълумотлар омбори сервери, FTP ва почта серверларидан фойдалана олишни ташкиллаш йўлидир.

VPN технологиясининг физик моҳияти ҳар қандай интернет ва экстра-нет-тизимлар, аудио-видеоконференциялар, электрон тижорат ва бошқа ахборот тизимларида ахборот трафиғини ҳимоя қила олиш имкониятини ўз ичига олади.

Шундай қилиб, VPN – бу:

- Криптографияга асосланган трафик ҳимояси;
- Дунёнинг исталган нуқтасидан ички ресурслардан фойдаланиш имконини берувчи кафолатланган ҳимояловчи коммуникация воситаси;
- Корпорациянинг коммуникация тизимини алоҳида ажратилган линия қуришга сарф этиладиган воситаларнинг ишламасдан ривожланиши.

VPNнинг БУГУНГИ ХАЁТДАГИ АҲАМИЯТИ

VPN тармоқлари хизматлари бозори ривожланишининг кўплаб омиллари мавжуд. Бозорда компанияларнинг макронқиросидий кўрсаткичлари пасайиши уларнинг харажатини камайтирган ҳолда ўзларининг алоқа

тармоқларини самарали ишлашни ташкил этишга мажбур этади. Корпорациялар (корхоналар ва фирмалар) глобаллаштиш жараёнида рақобатбардошлигини сақлаб қолиш учун юқори тезликдаги, ишончли ва самарали бўлган алоқа тармоқларига муҳтожлик сезади. Бизнеснинг мавжуд бошқарув тамойиллари ўзгармоқда: аънавий бўлган “сотув – буюртма – харид” моделидан пакетли коммутация тармоқлари (масалан, интернет) асосига қурилган виртуал хусусий тармоқни қўллашга олиб келувчи “теле-саво” ва “online – харид” методларини мисол келтириш мумкин.

Интернет исталган компютер эгасига чекланмаган ахборот ресурсларидан фойдаланишга имконият очиб

VIRTUAL PRIVATE NETWORK

Тезкор электрон ахборот алмашиш технологияси

бериш орқали жадаллик билан ривожланмоқда. Юқоридагилар билан бир қаторда бугунги ишбилармонлар дунёсида корпоратив тармоқдан фойдалана олиш исталган вақтда жуда муҳим ҳолатга айланиши мумкин. Компаниялар турли географик ҳудудларда жойлашган ишчи кучлардан фойдаланиш имконини берувчи технологияларни қўллашга ҳаракат қилмоқда. Бу технологиялар ходимлар ёрдамида хизмат сафари давомида ҳам ўзи турган меҳмонхона рақамидан тўғридан-тўғри корпоратив тармоққа кира олиш имкониятига эга бўлиши, уйда туриб ишлайдиганлар бўлса реал вақт давомида компаниянинг бош офиси билан алоқа боғлаши мумкин.

VPN ҚАНДАЙ ИШЛАЙДИ?

VPN ўзининг оддий тузилишида интернет орқали кўплаб масофавий фойдаланувчиларни ёки ташкилот тармоғи масофавий офисларини боғлайди. Айни пайтда компания ҳудудида ҳозир бўлмаган ёки бошқа шаҳарлардаги компания раҳбарияти билан алоқа ўрнатиш схемаси жуда сод-

“

Филиалимиз профессор-ўқитувчилари VPN тармоғига уланган ҳолда худди ички локал тармоқдаги сингари қорғосиз маълумот алмашиш имкониятига эга бўлдилар. Яъни, VPN тармоғига тармоқнинг логини ҳамда пароли терилади ва қайси IP манзилда фойдаланишга рухсат этилган маълумот жойлашганлигини билган ҳолда шу IP манзилдан маълумот олишлари ёки маълумот узатишлари мумкин.

”

да. Масофадаги фойдаланувчи ўзи турган нуқтадан маҳаллий сервис-провайдерига интернет (ISP – Internet Service Provider) хизмати учун чақирув жўнатади. Ундан сўнг чақирув шифрланади ва абонент ташкилот серверига интернет орқали боғланади. Офис филиаллари ISP орқали ҳам ажратилган боғланишлардаги каби юқори тезликка эга бўлиши мумкин, лекин бунда шаҳарлараро алоқага қўшимча тўловлар тўланмайди.

ISP – интернет хизматларини етказиб берувчи, бошқа ташкилотларга ва хусусий шахсларга интернетдан эркин фойдаланиш хизматларини ва қўшимча хизматларини (e-mail, news, hosting) тақдим қилувчи таш-

килот.

Корхона ойлик алоқа ва интернет сервис-провайдерида фойдаланиш учун тўлов тўлайди. Кўпчилик ISPлар қулай бўлган тўлов схемасини тақдим этишадими, бунда фойдаланиш учун тўлов қиймати сезиларли камаяди. Хатто баъзи технологиялар мавжудки, булар ёрдамида ISPнинг кафолатланган роуминг имкониятидан фойдаланиб, исталган жойда “ёпиқ” VPNдан фойдаланиш мумкин.

Шундай қилиб, VPNнинг ишлаши интернетнинг иккита нуқтаси орасидаги “туннел” тузилишига асосланган. Мижоз компютер провайдери билан стандарт “нуқта-нуқта”(PPP) боғланишини амалга

оширади, ундан сўнг интернет орқали марказий тугунга уланади. Шунинг билан чекка тугунларда маълумот алмашиш мумкин бўлган, ўзида “туннел”ни ифода этувчи VPN канали ташкил қилинади.

VPN ТУРЛАРИ ВА ҚўЛЛЕНИЛИШИ

VPNнинг учта асосий кўриниши қабул қилинган: масофадан туриб фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган VPN (Remote Access VPN), ташкилот ичидagi VPN (Intranet VPN) ва ташкилотлараро VPN (Extranet VPN).

масофадан туриб фойдаланиш имконияти мавжуд бўлган VPN баъзан

бўлиб, унда ички тармоқни ҳимоя этиш мақсадида файрволдан фойдаланилади.

Юқорида биз VPN тармоғи, унинг бугунги ҳаётимиздаги аҳамияти, ишлаш тамойиллари ҳақида назарий маълумотлар келтириб ўтдик. Энди бугунги кунда Тошкент ахборот технологиялари университети ва Фарғона филиалида VPN тармоғи ташкил этиш юзасидан амалга оширилган ва айни пайтда қилинаётган ишлар тўғрисида фикр юритсак.

2009 йил ТАТУ Фарғона филиалининг ахборот-коммуникация воситалари билан жиҳозланган янги ўқув биноси фойдаланишга топширилди. Бино ТАТУ раҳбариятининг саяёҳаракатлари билан ички локал тар-



моқ, мини-АТС (Panasonic), энг замонавий компютерлар,

таълим жараёнини юқори савияда ташкил этиш учун электрон доскалар, моторли экранлар, проекторлар ва бошқа мултимедия воситалари, ТАТУ билан филиал ўртасида VPN технологиясига асосланган, замонавий оптик толали алоқа кабелдан фойдаланилган корпоратив тармоқ билан жиҳозлаб берилди.

Ҳозирги кунда тезкор ахборот алмашинувини йўлга қўйиш мақсадида VPN тармоғи ишлаб турибди. Эндиликда филиалимиз профессор-ўқитувчилари ва талабалари VPN технологиясига асосланган корпоратив тармоқ орқали ТАТУ ички локал тармоғидан, фойдаланишга рухсат этилган ахборот ресурсларидан, электрон кутубхонасидан, файл серверидан, электрон почта хизматидан, КАРМАТ-ТУИТ elib дастури асосида ТАТУ ҳамда Ўзбекистон Миллий кутубхонаси ахборот-ресурсларидан унумли фойдаланиш имкониятига эгадирлар.

Бундан ташқари, филиалимиз профессор-ўқитувчилари VPN тармоғига уланган ҳолда худди ички локал тармоқдаги сингари қорғосиз маълумот алмашиш имкониятига эга бўлдилар. Яъни, VPN тармоғига тармоқнинг логини ҳамда пароли терилади ва қайси IP манзилда фойдаланишга рухсат этилган маълумот жойлашганлигини билган ҳолда шу IP манзилдан маълумот олишлари ёки маълумот узатишлари мумкин.

Келажақда VPN тармоғи орқали Фарғона филиали билан ТАТУ ўртасида ҳамда ривожланган мамлакатларнинг олий ўқув юртлири билан масофавий таълимни йўлга қўйиш ва улар билан илмий-амалий видеоконференциялар ўтказиш режалаштирилмоқда.

Н.ЖўРАЕВ,
ТАТУ Фарғона филиали
телекоммуникация факультети
декани

Куда пойти учиться?

“Куда пойти учиться?” — этот вопрос бесспорно ломал головы тысячам ребят, стоящих на пороге 9 класса. И я не была исключением. Долго с мамой мы спорили, выбирали подходящий вариант из множества колледжей и лицеев, но никак не могли остановиться на одном, пока однажды не узнали о Мирзо Улугбекском профессиональном колледже информатики.

В первую очередь нас привлекла перспектива многогранно выбора специальностей как информационного, так и экономического профилей. Во-вторых значительную роль сыграли рекомендации наших знакомых в отношении качества обучения. К тому же имел немалое значение фактор близости этого колледжа от моего дома.

И вот, собрали мы с мамой все необходимые документы и отправились. Лишь перейдя через порог колледжа, я сразу ощутила уютную обстановку вокруг, глаза разбегались от множества баннеров, плакатов, стендов, сложно было остановиться на чем-то одном, ибо всё выглядело настолько красочно, интересно. Собеседование с директором также оставило приятное впечатление. Нам подробно рассказали обо всех существующих кафедрах этого колледжа, и мы остановились на программировании. После собеседования я с нетерпением ждала начала учебы. Это ощущение было немного неожиданным для меня, ведь наконец наступили долгожданные каникулы, ребята радуются освобождению от “бремени” школьной учебы, а мне напротив, так хотелось поскорее снова приступить к обучению. И не пугала меня серьезность и сложность предмета программирования, ведь это настолько необъятный, интересный, увлекательный мир, который составляет значительную часть технического прогресса и

улучшения жизни человечества, что немаловажно.

И вот наконец, 2 сентября, я выхожу на улицу, теплый осенний воздух наполняет меня уверенностью и непреодолимым стремлением идти вперед, скорее, как говорит моя мама “грызть гранит науки”. Безусловно, я жутко волновалась, переживала, ведь попасть в новый коллектив и устроить благоприятные отношения с ребятами очень важно. Но мне снова очень повезло. Мы с ребятами сразу все сдружились, словно знаем друг друга со школьной скамьи. Ещё более повезло мне с куратором. Наталья Ивановна Ильина с первого взгляда оказалась такой родной. Мы с ребятами после не раз делились радостными впечатлениями. Нам невероятно повезло с добродушным, жизнерадостным, и главное грамотным куратором. И страхи пропали совсем. Наступили учебные дни. Поначалу было нелегко привыкнуть к тому, что урок длится 1 час 20 минут, в отличие от 45 школьных, но вот же удивление, мы сами не замечали как пролетает урок! Ведь это было не как обычно, слушаем, читаем, пишем, отвечаем, уроки разбавлялись интересными презентациями, лабораторными работами, иной раз мы смотрели фильмы касательно пройденных тем. Но главенствующим желанием каждого из нас конечно же было попасть в компьютерный класс! С таким нетерпением и интересом ждали мы ми-



ноты, когда прикоснёмся к этому миру компьютерных технологий, и не так как дома — поиграть, музыку послушать, в интернете посидеть, теперь ведь всё на ином уровне. Нас ждало проникновение в глубины этих знаний. Безусловно, порой было очень трудно, что — то совсем непонятно, но благодаря грамотности, терпению и творческим подходом к обучению наших преподавателей, мы справились со всеми сложностями и страхами. Более всего мне запомнились открытые уроки, когда наша группа делилась на команды, каждая выбирала темы. Мы составляли презентации, демонстрируя их на современном оборудовании, выступали, защищались, дискуссировали. Кроме того, главенствующая наша задача — изучение языков программирования, так же оставила самые яркие впечатления. Мы изучали такие языки, как Visual Basic, C++, создание Web-страниц применяя HTML-код, создание баз данных в Microsoft ACCESS, презен-

таций в MS Power Point, работа в Corel DRAW, Macromedia Flash и много другое. Месяц за месяцем кропотливого труда, и после мы самостоятельно, применяя набранные знания, составляли программы. И было очень приятно после услышать заслуженную похвалу, но что важнее-внутренне чувство, что время проведённое в колледже возматало из нас достаточно окрепших людей, и теперь мы действительно можем сделать многое для развития и процветания нашего государства.

Кроме этого, хотелось бы отдельно рассказать о не менее важной стороне нашего колледжа, а именно творческой стороне. Регулярно у нас проводились различные конкурсы, соревнования, КВН-ы с участием ребят как из нашей группы, так и с других. Было очень весело и приятно осознавать многогранность сверстников. Ведь этот момент поощрения творческой стороны учащихся очень важен в развитии здорового молодого поколения. Мы собирались всей группой с куратором, придумывали различные сценки, танцы, монологи.

И теперь, на 3 году обучения могу без сомнений сказать, что ни на мгновение я не усомнилась в своём выборе. Столько приятных воспоминаний связано у меня с моим колледжем. Сейчас мы начинаем готовиться к защите диплома, это, пожалуй, самый важный момент за всю историю обучения. Собрать все знания, опыт, внутреннюю силу и выступить достойно. Ведь это не только защита диплома, это ещё и защита чести колледжа. И мне очень хочется окончить обучение, оставив за собой лишь гордость и тепло в сердцах моих преподавателей.

Екатерина АБРОСИМОВА,
учащаяся 3 курса
Мирзо Улугбекского
колледжа информатики

Учебные семинары по ИКТ для жителей Ташкента

Жители столицы могут пополнить свои знания в области ИКТ, приняв участие в бесплатных семинарах, организуемых в каждом районе Ташкента.

19 июня во всех районах Ташкента пройдут очередные учебные семинары по повышению навыков применения ИКТ, которые организуются в соответствии с Государственной программой «Год гармоничного поколения», сообщается на сайте хокимията города.

Организаторами семинара выступают Управление средне-специального, профессионального образования Ташкента, Главное управление труда и социальной защиты населения, Ташкентское отделение фонда «Махалла» и хокимияты районов столицы.

Семинары проводятся с целью повышения навыков использования ИКТ сотрудников государственных организаций, специалистов местных органов власти, предпринимателей и населения. В бесплатных семинарах может принять участие любой житель столицы. Курсы проводятся специалистами по ИКТ на узбекском и русском языках.

cib.uz

Завершен монтаж на Ташкентской телебашне

Специалисты ГУП «ЦРРТ» завершили монтаж и тестирование второго цифрового телевизионного передатчика на Ташкентской телебашне.

С 16 июня 2010 года количество транслируемых в г. Ташкенте телевизионных программ в стандарте цифрового телевидения DVB-T доведено до 25 телепрограмм. Транслируемые телевизионные программы состоят из 4-х государственных и 21 популярных зарубежных телепрограмм, в том числе телевизионная программа «Luxe TV HD» транслируется в стандарте HDTV (High Definition TV).

crrt.uz

Полезные SMS-сервисы от МТС для любителей футбола

Перед всеми болельщиками во время такого важного события как Чемпионата мира по футболу зачастую стоит вопрос: что делать, когда играет любимая команда, а ты на работе, на даче или на рыбалке? Как быть в курсе событий чемпионата, не проводя при этом все свое время перед телевизором?

Удобное решение предлагает «МТС-Узбекистан» — специально для футбольных болельщиков, компания запустила следующие информационные SMS-сервисы, которые позволяют быть в курсе всех событий чемпионата.

«SMS on-line с Чемпионата мира 2010 по футболу» — это услуга позволяет подписаться на SMS трансляции голов: в таком случае, после каждого забитого гола абоненту будет приходить SMS-сообщение с информацией, какой игрок забил гол, на какой минуте и какой в итоге текущий счет. Для подписки на трансляцию голов группового этапа, нужно отправить код 2010 на номер 33339. Если запрос отправлен корректно, то в ответ придет сообщение с подтверждением подписки. Стоимость месячной подписки составляет всего \$1,50.

Сервис «Новости Чемпионата Мира по футболу 2010» удобен, если важен итог игры, а не каждый забитый гол в отдельности и позволяет подписаться на получение результатов матчей, состоянии турнирной таблицы, анонсы и время игр. Для активации услуги необходимо отправить SMS-сообщение с текстом LIGA на БЕСПЛАТНЫЙ номер 8383. Стоимость одного входящего SMS-сообщения — \$0,10.

Азиз муштарийлар! “JAHON POCHTASI” рўқни остида чет эллик ҳамкасбларингиз иш тажрибасидан хикоя килувчи маколаларни беришда давом этамиз. Демак, газетамизни кузатиб боринг: яқин haftаларда Италия ва Беларус миллий почта хизматлари саҳифамиз меҳмони бўлади. Унгача эса Германия, Франция, Италия, Исроил, Хиндистон, Хитой ва Япония мисолида “ПОЧТА+БАНК” тажрибаси билан танишамиз.

ПОЧТА+БАНК: Ҳамкасбларимиз тажрибаси

Дунё почта ташкилотлари молиявий хизматларни ўзлаштиришга зўр бермоқда. Бу асосан икки ҳолат билан изоҳланади. Биринчидан, сир эмаски, почта операторларининг анъанавий хизматлардан оладиган даромадлари тобора каммайиб борапти, табиийки, фаолиятни сақлаб қолиш ва ривожлантириш учун қўшимча маблағ керак. Иккинчидан, почта банклари тақдим этаётган молиявий хизматларга талаб ошгандан-ошмоқда. Негакки, жаҳон иқтисодий инқирози шароитида аксарият тижорий банклар синмоқда ёки шунга яқин турибди. Шу боис одамлар давлат муассасалари, жумладан, почта хизматларига кўпроқ ишонч билдиришмоқда.

Аксарият мамлакатлардаги почта банкларининг фаолияти одатдаги банкларникидан айтарли тафовут қилмайди: мижозларга маблағларни депозитларда сақлаш, тўловларни амалга ошириш, кредит бериш ва ҳоказо хизматлар тақдим этилади. Аммо уларга хос ягона, шу билан бирга, устулликни таъминловчи бир хусусият бор, яъни ҳар қандай почта банки жуда кенг тармоққа эга, қайси мамлакатда бўлишидан қатъи назар ўша мамлакатнинг исталган нуқта-сида туриб бу банк хизматларидан фойдаланиш имконияти бор.

Япония, Германия, Франция, Хитой, Италия ва Исроил мамлакатлари почта банклари дунёнинг энг йирик почта банклари ҳисобланади.

Тажрибаларнинг кўрсатишича, почтада молиявий хизматлар кўрсатишнинг уч хил шакли мавжуд. Биринчидан, почтанинг ўзи банк хизматларини кўрсатади — La Poste (Франция) фаолияти бунга яққол мисол. Иккинчидан, банк муассаса базасида шаклланиб, ривожланади ва алоҳида молия институтига айланади — Германия ва Японияда шундай. Учинчидан, бошқа тижорий банклар почта билан тузилган шартнома доирасида алоқа бўлимларида иш олиб боради — Хиндистон почта департаменти шу йўлни танлаган.

Япония



Япония почта банки (Yucho Bank) — жаҳондаги энг йирик банклардан бири. Унинг капитали 187 трлн. иена (тахминан 1,6 трлн. АҚШ доллари)га тенг. Японияда почта хизмати Мэйидзи инқилобидан сўнг, ҳали тижорий банклар тизими шаклланмасдан илгари ташкил топган. Қонунга кўра, яқин пайтларгача почта банки қарз бериш ёки биржада қатна-

шиш ҳуқуқиға эга эмас эди. Унинг жамғармаси асосан жуда кам даромад келтирувчи инфратузилма инвестицион дастурларини молиялаштириш ҳисобидан тўпланиб келди. Давлат кафолатлари ҳисобига аҳолининг катта қисми ўз омонатларини почта банкида сақлашга одатланди. Ҳозирга келиб, япон оилалари жамғармаларининг тўртдан бир қисми айнан Yucho Bankда сақланмоқда. Бугун мамлакат бўйлаб Yucho Bankнинг 25 мингта банкوماتи бор, ҳолбуки, унинг энг йирик рақобатчиси — тижорат банки ўрнатган банкوماتлар сони 8 мингтадан ошмайди. Почта банкининг афзаллиги нафақат унинг ишончилигида, балки хизматлар учун тўловларни бошқаларга нисбатан кам олишида ҳам кўзга ташланади.

Яқин пайтларгача Япония ҳукумати почтада сақланадиган депозитлар учун маълум бир чегарани қатъий белгилаб қўйганди. Яъни, муайян омонатчи ўз ҳисобидан 10 миллион иена (110 минг доллар атрофида)дан ортиқ пулни сақлаши мумкин эмас эди. Энди ҳукумат “лимит”ни уч бараваргача ошириш ниятида. Режага кўра, бу иш уч йил давомида амалга ошади.

Кузатувчиларнинг фикрича, бу қадам асосий акциядор давлат ҳисобланган почта банки мавқеини янада мустаҳкамлаши кутиляпти. Шунда почта банки бошқа йирик банклар билан бемалол рақобатга киришса бўлаверади.

Германия



Немис почта банкни бемалол дунёдаги энг кўҳна банклардан бири дейиш мумкин: ўтган йили банк 100 йиллигини нишонлади.

Бугунги кунда Deutsche Post (Германия почтаси)дан мустақил ташкилотга айланган Postbank фаолияти асосан жисмоний шахслар ва кичик бизнес учун ссудалар ва омонат хизматлари, инвестициялар, суғурта маҳсулотлари ва ипотека кредитлари ҳисобига шаклланган.

Германиядаги ҳар олгинчи фуқаро (14,5 миллион киши) айнан почта банки мижози ҳисобланади, улардан 3,09 миллион нафари телефон банкинг хизматидан фойдаланмоқда. Очилган жорий ҳисоблар сони 2,13 миллионга, онлайн мурожаат шаклидаги қимматбаҳо қорғозларга оид омонатлар 450 мингтага етди. Банкнинг 850та бўлинимасида жами 21 минг киши ишлайди. Банк активлари миқдори — 227 миллиард евро ни ташкил этади.

(Давоми бор.)

IT-BIZNES

ИХЧАМ КОМПЮТЕРЛАРНИНГ САЛМОҒИ

2010 йилда жаҳон бўйича компютерлар савдоси деярли 20 фоизга ошиши кутиляпти. IDC компанияси маълумот беришича, бу йил 350 миллиондан ортиқ компютер сотилади.

Бу борада портатив қурилмалар салмоқли ўрин тутади: йил охиригача сотиладиган компютерларнинг 217 миллиончасини ноутбук ва нетбуклар ташкил этиши мумкин.

IDC компанияси 2014 йилгача бўлган даврни ҳам ҳисоблаб чиқди. Унга кўра, 2014 йилда жами 570 миллионга компютер савдоси амалга ошиб, уларнинг 427 миллиончасини портатив қурилмалар ташкил этаркан.

TELEKOMMUNIKATSIYALAR

ФРАНЦИЯДАН КЕЙПТАУНГАЧА

France Telecom компанияси ва Африканинг 19 операторини бирлаштирган консорциум “Қора қитъа”га юқори тезликдаги интернет келтириш учун 700 миллион долларлик сармоя сарфлашмоқчи.

“Африка қирғоғидан Европага” (Africa Coast to Europe, ACE) деб ном олган оптик толали кабел Франциядан то Кейптаун (ЖАР)га қалар 23 мамлакат ҳудуди бўйлаб, сув ости ва қуруқлик орқали 17 минг километрда тортилади. Alcatel-Lucent компанияси кабел ётқизиш ишларини 2012 йилда тутатишни режалаштирган. France Telecomнинг лойиҳадаги улуши 250 миллион доллар.

TEKNOLOGIYALAR

РЕКЛАМАНИ ЎЧИРИШ МУМКИН

Apple компанияси браузер — Safari 5 яна бир функция билан бойитилди — энди фойдаланувчи матнни бевосита браузернинг ўзида ўзгартириб ўқиши, саҳифалардаги рекламаларни олиб ташлаши мумкин.

Бундай қулайликлар, шунингдек, Google Chrome ва Mozilla Firefox браузерларида ҳам мавжуд.

XAVFSIZLIK

YouTubeДА 150 МИНГТА ВИРУС

YouTube сайтидаги 150 минг атрофидаги материалга вируслар жойлашиб олган — eSoft antivirus компанияси мутахассислари бунни аниқлашди. Бу ҳақда Латвиянинг LETA ахборот агентлиги хабар тарқатган.

Антивирус компаниясининг таъкидлашича, YouTube сайтига материаллар IP-манзили айнан Латвияда жойлашган компютерлардан юклаб олинган.

EKOLOGIYA

ИККИЛАМЧИ ХОМ АШЕДАН ТЕЛЕФОН

Sony Ericsson компанияси иккиламчи хом ашедан тайёрланган навбатдаги маҳсулотини тақдим этди. Унинг Cedar телефони атроф-муҳитни муҳофазалаш GreenHeart ташаббуси доирасида тайёрланди.

Телефон аппаратининг корпуси шиша ва компакт-дискларни қайта тайёрлаб олинган платмассадан ишланди.

Cedar 3G (UMTS) тармоқларида ишлайди ва HSDPA ҳамда EDGE мобил интернетни қўллайди. Икки мегапиксели камера, 2,2 дюймлик дисплейга эга бу аппарат заряди 12 соат гаплашишга етади.

Телефон комплектида қоғоз қўлланмани ҳам учратмайсиз — барча керакли маълумот унинг хотирасига жойлаштирилган.

JAMIYAT

ВИРТУАЛ... ҚАБРИСТОН

Гонконг ҳукумати мотамдор фуқароларига ҳамдардлигини билдириш мақсадида расмий виртуал қабристон очнишга қарор қилди.

Махсус сайтта марҳумларни хотирлаш учун 100 мингта “жой” ажратилган. Унда фақат Гонконг фуқаролари бўлган ёки шу мамлакатда яшаб оламдан ўтганларни рўйхатга олиш мумкин.

Фойдаланувчилар сайтта марҳумларнинг фото ва видеоматериалларини жойлаштиришлари, уларнинг яқинларига таъзияларини билдиришлари мумкин.

Биламизки, Гонконг — улкан мегаполис. Қабристонлар учун ер етишмайди. Қабристондан жойни ўн йилга сотиб олиш мумкин... марҳумлар учун бирдан-бир манзил — виртуал қабристон бўлиб қолмоқда.

УЙҒОҚЛИК

Мустақиллигимиз таянчи, жамиятимиз таракқиёти асосидир

Халқимизнинг буюклиги, аввало, маънавияти ва маърифатининг юксаклиги билан белгиланади. Маънавият инсон туғилишида она суги, унинг алласи, меҳри, аждодлар қадриятлари таъсири остида шаклланади. Унинг шаклланишида оиладаги муҳит, жамиятдаги ҳамжихатлик, давлат олиб бораётган сиёсатдаги адолатпарварлик ва инсонпарварликка қай даражада амал қилиниши асосий ўринни эгаллайди.

Мамлакатимиз раҳбари И.Каримов таъкидлаганидек: “Биз тарих синовларидан ўтган, миллий манфаатларимиз, бугунги ва эртанги орзу-интилишларимизга, таракқиёт талабларига тўла жавоб берадиган, йиллар ўтгани сари қадри ортиб борадиган гоё ва туншунчаларни қадрият деб биламиз”.

“Маънавий қадриятлар” тушунчаси муайян миллатнинг табиий, тарихий ва ижтимоий ривожланиши жараёнида яратган моддий ва маънавий бойликларнигина эмас, балки улар яшаётган ҳудуд, маданият-маънавий мерос, миллий моҳият, тил, миллий онг, миллат руҳи, тарихи, ўтмиши, турмуш ва яшаш тарзи, миллат ҳаётининг тартиб-қоидалари ҳамда улар билан боғлиқ миллий хусусиятлар, жиҳатлар аҳамиятини ифодалайди.

Маънавият кўпроқ инсоннинг ботиний, яъни ички дунёсини акс эттиришидир. Инсон ботиний дунёси эса гавҳар тўла тубсиз денгизга ўхшайди. Бу денгиздан қанча гавҳар олсангиз тугамагани сингари, инсон ички дунёси ҳам тубсиз, ранг-баранг тарзда намоён бўлади. Инсон қалбига, ботиний дунёсига қанчалик чуқур кириб борсангиз, шунчалик товланиб, ўзининг янгидан-янги ифодаларини намоён этади.

Шундай қилиб, маънавият — инсоннинг руҳиятини, унинг ўз-ўзини англаши, диди, фаросати, адолат билан адолатсизликни, яхшилик билан ёмонликни, гўзаллик билан дидсизликни, вазминлик билан жоҳилликни ажрата билиш қобилияти, ақл-заковатини юксак мақсад ва ғояларга йўналтириб, уларни амалга ошириш учун ҳаракат қилиш ва интилиш салоҳиятидир. Албатта, бу таъриф ҳам энг охириги, етук, тугал эмас.

Барча фанларда бўлганидек, маънавиятнинг ҳам мустақил предмети мавжуддир. Унинг предмети инсон, қадриятлар ва жамият маънавий ҳаёти, мақсади эса комил инсонни

— имон-этиқоди бутун, иродаси бақувват, эркин фуқаро маънавиятини шакллантириш ва жамият маънавий салоҳиятини ривожлантиришидир. Ана шу кенг қамровли вазифалардан кўриниб турибдики, инсон камолоти ва жамиятнинг юксак даражага кўтарилиши маънавиятнинг ривожлантиришга боғлиқ бўлади.

Маънавиятнинг моддий кучга айланиши ҳар бир инсоннинг ҳатти-ҳаракатларида, ўз оиласи, миллати ва Ватанига бўлган муносабатларида намоён бўлади. Юқориди айтганимиздек, унинг шаклланишида ота-она, инсон яшаётган атроф-муҳит, миллий, диний қадриятлар, жамиятдаги инсонпарварлик ва адолатпарварлик сиёсати муҳим аҳамиятга эга.

Одам ота-онадан туғилади, аммо унинг ахлоқ-одоб борасидаги фазилатлари, яъни маънавий дунёси жамиятда, ижтимоий, сиёсий, иқтисодий муносабатлар таъсирида шаклланади. Инсоннинг маънавий олами асосан ижтимоий таракқиётнинг маҳсули бўлса ҳам у, ўз навба-

рда Президентимиз Олий Мажлиснинг Биринчи чакриқ биринчи сессиясида сўзлаган нуқтаида: “Таракқиёт тақдирини маънавий жиҳатдан етук одамлар ҳал қилади. Техникавий билим, мураккаб технологияни эгаллаш қобилияти маънавий баркамоллик билан, мустақил тафаккур билан бирга бориши керак. Ақлий заковат ва руҳий-маънавий салоҳият — маърифатли инсоннинг икки қанотидир”, — дея таъкидлаган эди.

Жамият таракқиётининг ҳар бир янги босқичи кишиларнинг маънавий камолотига ҳамда янги даврнинг юзага келишига сабабдир. Маънавиятсиз юксак жамият бўлмаганидек, жамиятсиз маънавият ҳам ривожланиши мумкин эмас. Жамиятнинг иқтисодий, ижтимоий-сиёсий соҳаларида мавжуд бўлган муаммоларни маънавиятнинг ривожлантириш орқали ҳал этиш мумкин.

Маънавий қадриятлар миллатни таракқиётга етакловчи, давлатнинг қудратини оширувчи муҳим омиллардандир. Чунки қаерда, қайси мамлакатда маънавий қадрият юксак даражада бўлса, ўша жойда жоҳиллик, ҳасадгўйлик, бепарволик, худбинлик, қаллоблик, манманлик, текинхўрлик, ғийбат, кўрмаслик, кўпоровчилик, ўз Ватани ва халқига хоинлик, тўхмат каби салбий иллатлар — маънавиятсиз-

ўралиб яшай олмайди. Ўзбек халқи миллий анъаналарига содиқ, аини пайтда, у дунёдаги илғор, ҳаётни гўзал қилувчи, инсонни юксалтирувчи ғояларни, илм-маърифатни ўзлаштириб келган.

Маънавият ҳар доим маърифат билан уйғун ҳолда ривожланиб боради. Миллатнинг озодлиги — унинг маърифий уйғоқлигидадир. Одамзод наслининг улуғлиги эса билимдандир. “Маърифат” истибоҳи билиш, билим, таниш ва маълумот, деган маънони англатади.

Миллий ғурур, ватанпарварлик туйғулари Ватан таракқиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун кураш туйғулари билан қўшилиб, маънавиятимиз асосини белгиламоқда. Истиқлол ёшлари бугун бошини баланд кўтариб, ҳеч кимдан кам эмасликларини дунё бўйлаб намоён этмоқда.

Ўзбекистон Республикаси демократик, ҳуқуқий ва фуқаролик жамиятини қуриш йўлидан бораётган бир пайтда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислохотларнинг бош мақсади ва ҳаракатга келтирувчи кучи ҳар томонлама ривожланган баркамол инсонни тарбиялашдан иборатдир.

Баркамол, комил инсон — эл-парвар инсон. Халқига, элига беминат хизмат қиладиган инсондир. Бундай инсонларни тарбиялаш, камол топишлари учун давлатимиз томонидан барча шарт-шароитлар яратиб берилган. Янги қурилган академик лицейлар, касб-хунар коллежлари, мусиқа ва спорт мактаблари барчасининг мақсади жамиятдаги соғлом кучлар — юксак истеъдод ва тафаккур соҳибларининг ақлий салоҳиятини Ватан истиқбол сари йўналтиришдан иборат. Юртбошимиз томонидан 2010 йилнинг Баркамол авлод йили деб номланиши ҳам бежиз эмас.

Давлат мустақамлиги ва қудрати унинг жаҳон жамоатчилиги олдиди маънавий-ахлоқий қиёфаси ва нуфузи билан ҳам аниқланади. Аини шу боис халқимизнинг, миллатимизнинг маънавий жиҳатдан уйғониши мустақиллигимиз, миллий хавфсизлигимиз гаровидир.

Ноҳира УМАРОВА,
Ўзбекистон Республикаси Президентининг ҳузуридаги Давлат ва жамият қурилиши академияси тингловчиси

66

Миллий ғурур, ватанпарварлик туйғулари Ватан таракқиёти, юрт тинчлиги ва халқ фаровонлиги учун кураш туйғулари билан қўшилиб, маънавиятимиз асосини белгиламоқда. Истиқлол ёшлари бугун бошини баланд кўтариб, ҳеч кимдан кам эмасликларини дунё бўйлаб намоён этмоқда.

тида, жамият иқтисодиётига ниҳоятда катта таъсир кўрсатади. Одамларда ахлоқ, одоб, имон, виждон, ҳалоллик, меҳнатсеварлик, инсонпарварлик, эътиқод, ватанпарварлик, миллий ва инсоний ғурур туйғуси, бурч ва масъулиятни ҳис қилиши қанчалик кучли, юқори бўлса, жамият таракқиётининг заминлари ҳам кенгайишига, тинчлик-осойишталик, ҳамжихатлик барқарор бўлишига олиб келади. Худди шунинг

ликнинг энг юқори кўринишлари га ўрин қолмайди.

Ҳозирги дунёда давлат барқарорлигини таъминлаш жамиятнинг ижтимоий-руҳий, маънавий ва ахлоқий, маданий ва тарихий илдизларига таянади. Кўп мингйиллик тарихга эга маънавиятимизни тиклаш баробарида биз умумбашарий маънавий қадриятларни ҳам бажонидил қабул қиламиз. Зеро, дунёда бирор халқ, бирор мамлакат ўз қобилига

TALABA TALABA HAQIDA

Битирувчи

ТАТУ телекоммуникация факултети бакалавр битирувчиси Шарофитдин Аббосхонов тинимсиз интилишлари натижасида фақат “аъло” баҳоларга ўқиб келмоқда.

Билим доирасини нафақат дарсликлар, балки қўшимча адабиётлар ҳамда электрон кутубхона материаллари, интернет хабарлари билан бойитиб боришга одатланган Шарофитдин ўзига қийинчилик туғдирган вазифаларга ечим топишда устоз-ўқитувчиларидан ёрдам сўрашга шошилди. Уйда эса меҳрибон онажониси Ҳалима опа дилбанди камоли учун бор инқониётларни яратиш билан бирга, информатика соҳасидан

қўшимча машғулотлар олиб боради. Ҳозиргача унинг 14 мақоласи халқаро ва республика илмий анжуманларида, илмий-оммабоп журналларда босилган.

Айни дамда Шарофитдин илмий раҳбари Улугбек Амирсидов қўл остида илмий изланишлар олиб борапти. Унинг мақолаларида телекоммуникация тармоқлари ишончилигини эҳтимоллик назарияси орқали баҳолаш, симсиз алоқа тармоқларида маълумотларни узатиш ва қабул қилишда ахборот ишончилигини ошириш, рақамли қурилмаларни дастурий таъминотлар ёрдамида моделлаштириш ва сифатини баҳолаш,

кейинги авлод тармоғи хизматларининг сифатини яхшилаш, таҳлил қилиш ва бошқа долзарб муаммолар ёритилган.

Тинимсиз ўқиб-изланишлар ўз самарасини берди. Шарофитдин 2009 йили Беруний стипендияси соҳиб бўлди.

Жамоат ишларида ҳам фаол бу талаба “Матлаб” дастурий таъминоти муҳитида дискрет каналлар сифатини баҳолаш имитацион моделини яратиш устидаги илмий изланишларини келгусида магистратурада ҳамда аспирантурада давом эттириши мақсад қилган.

Тенгдошимизнинг ишларида муваффақият ёр бўлишини тилаймиз.

Ноҳира ЙЎЛДОШЕВА,
Тошкент давлат юридик институти талабаси

Сарҳисоб

СУРХОНДАРЁ

Термизда Сурхондарё вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг бешинчи конференцияси бўлиб ўтди. Унда кўмитанинг кейинги беш йиллик фаолияти атрофида муҳокама этилди.

Таъкидландики, вилоят алоқа ходимлари ҳам жаҳон андозалари даражасида ишлашга кириша бориб, тезкор ва сифатли хизмат кўрсатиш афзалликларини амалда сезишмоқда. Ҳисобот даврида барча туманлардаги аналогли станциялар электрон рақамли станцияларга алмаштирилди. Натижада юқори самарадорлик қатори 30га яқин қўшимча хизмат турлари ҳам ҳаётга татбиқ этилди. Ўтган даврда нафақат хизмат кўрсатиш жараёни замонавийлаштирилди, балки давлатимиз раҳбари томонидан эълон қилинган “Сиҳат-саломатлик”, “Ҳомийлар ва шифокорлар”, “Ижтимоий ҳимоя”, “Қишлоқ таъриқлиги ва фаровонлиги” йиллари учун қабул қилинган Давлат дастурлари ижросига ҳам алоҳида эътибор қаратилди. Хусусан, ўтган йили қишлоқда яшайдиган 242та кам таъминланган оиллага алоқа корхоналари ҳамда бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси томонидан қарийб 20 миллион сўм моддий ёрдам берилди. Етти нафар алоқа ходимига уй-жой қуриши учун ижтимоий қўлайлик яратилди.

Конференция қатнашчилари вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг ҳисобот давридаги фаолиятини қониқарли баҳолаган ҳолда баъзи айтилган муаммоларни ҳамжиҳатлик билан ҳал этиш юзасидан ўз фикр-мулоҳазаларини билдиришди.

Шу куни кўмитанинг биринчи пленуми ҳам бўлиб ўтди. Унда ташкилий масала кўрилди. Ашурали Даминов меҳнат пенсиясига чиққанлиги муносабати билан ўз лавозимидан озод этилди. Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Сурхондарё вилояти ҳудудий бошқармаси етакчи мутахассиси бўлиб ишлаб келган Кулмурод Қулсатов вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси раиси этиб сайланди.

Конференцияда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгашининг набватдаги қурултойига ҳам делегатлар кўрсатилди.

Нортожи ЗИЁЕВ,

“Kabar”нинг Сурхондарё вилоятидаги мухбири

БУХОРО

Хозирги пайтда Бухоро вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитаси таркибида 8та бошланғич ҳамда 25та цех касаба уюшмаси ташкилотлари бўлиб, алоқа корхоналарида жами 2300 нафар касаба уюшмаси аъзоси фаолият кўрсатмоқда. Уларнинг 800 нафаридан ортиги аёллардир. Таъкидлаш жоизки, ҳисобот даврида барча бўғинлардаги касаба уюшмалари етакчилари томонидан ишчи-ходимларни ижтимоий-иқтисодий ва ҳуқуқий муҳофазалаш, улар учун унумли меҳнат ва дам олиш шароитлари яратиш, ишловчилар ва уларнинг фарзандларини соғломлаштириш юзасидан бир қатор ишлар амалга оширилди. Корхоналар маъмуриятлари ва касаба уюшма кўмиталари ўртасида қабул қилинган жамоа шартномаларининг вақти-вақти билан муҳокама қилиб борилиши мавжуд муаммоларни ўз вақтида ҳал этиш, бир қатор тadbирларнинг бажарилишига мўлжалланган маблағларни ўз ўрнида ва оқилона сарфлаш имконини бермоқда.

Хусусан, 2010 йилнинг I чораги якунларига кўра, жамоа шартномаларида белгиланган тadbирларнинг бажарилиши учун 185 миллион сўмга яқин маблағ, жумладан, меҳнат муҳофазасига 7,6 миллион сўм маблағ сарфланганлиги ушбу йўналишдаги барча ишлар доимий назорат остида эканлигидан далolat бериб турибди. Ўтган давр ичида ходимлар ва уларнинг болаларини соғломлаштириш касаба уюшмаси фаоллари ва етакчиларининг диққат-эътиборида бўлганлигини қуйидаги далил ва рақамлардан ҳам билиб олиш қийин эмас: беш йил давомида ходимларга жами 155та имтиёзли йўлланма тарқатилиб, уларнинг турли санаторий ва дам олиш уйларида соғлиқлари тикланишига эришилди. “Бухоро Телеком” филиалига қарашли “Ёш алоқачи” болалар оромгоҳида эса ана шу давр ичида алоқа ходимларининг 2258 нафар ўғил-қизлари бепул соғломлаштирилди. Бунда асосий эътибор кам таъминланган оилаларнинг фарзандларига қаратилди, албатта. “Ёш алоқачи” оромгоҳининг 2006 ва 2008 йилда вилоятдаги энг яхши оромгоҳ деб топилгани ҳамда республика доимий комиссиясининг дипломи билан тақдирланганлиги ҳам бежиз эмас. Бу ерда болалар ёзги таътилларини мароқли ва мазмунли ўтказишлари учун барча шароитлар бор.

Алоқа корхоналарида ўз ишининг ҳақиқий усталари меҳнат қилишади. Айнан шу жиҳат вилоят ва республика миқёсида ўтказиб келинаётган у ёки бу йўналишдаги кўрик-танловлар ва мусобақаларда бухоролик алоқачиларнинг устунликка эришишларини таъминлаётти. Масалан, 2005 йили ЎзААнинг вилоят ҳудудий бошқармаси билан ҳамкорликда ташкил этилган мини-футбол баҳслари мазкур бошқарма вакилларининг устунлигида ўтди. Худди ўша йили “Ўзбекистон почтаси” ОАЖнинг Бухоро филиали ҳамда “Бухоро Телеком” филиалида ўтказилган “Энг яхши хабарчи”, “Энг яхши электромонтёр ҳамда энг яхши кабел пайвандловчи” кўрик-танловлари ҳам соҳанинг жонқуяр мутахассисларини аниқлаш имконини берди.

Ишчи-ходимларнинг мазмунли дам олишларини тўғри ташкил этишда касаба уюшмалари етакчилари жонбозлиги ўз самарасини бермоқда. Биргина 2010 йилнинг ўтган даври ичида 334 нафар ходим республикамизнинг Самарқанд, Шаҳрисабз шаҳарларини, Нурота, Ҳазрати Довуд сингари қадамжоларни зиёрат қилишти.

Уч босқичли спартакиаданинг дастлабки босқичи баҳсларини талаб даражасида ўтказишга ҳар доим ҳам тўғри ёндашилаётгани йўқ. Шунингдек, ёш ходимлар ва мутахассисларнинг билим даражаси ва малакасини оширишдек муҳим вазифа ижросини ўз зиммасига олган алоқа ходимлари БКУҚ ҳузуридаги ёшлар комиссияси фаолиятини ҳам яхшилаш талаб этилмоқда.

Вилоят алоқа ходимлари касаба уюшмасининг IV анжуманида ана шулар ҳақида гап борди. Шунингдек, анжуман қатнашчилари тафтиш комиссиясининг ҳисоботини ҳам тингладилар, БКУҚнинг янги таркибини сайладилар.

Вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси кўмитасининг раиси этиб Олия Шукурлаева қайта сайланди.

Конференцияда вилоят касаба уюшмалари ташкилотлари бирлашмаси конференцияси ҳамда Ўзбекистон алоқа ходимлари касаба уюшмаси қурултойига ҳам делегатлар сайланди.

Анжуманда кўриб чиқилган масалалар юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Асқар ИСТАМОВ,

“Kabar”нинг Бухоро вилоятидаги мухбири

IZLANISH

Ёш олим ютуғи

Хозирги кунда Тошкент ахборот технологиялари университетининг Фарғона филиали ёш олимлари ўнлаб йўналишдаги илмий-тадқиқотлар устида иш олиб боришяпти.

Шулардан бири доцент, физика-математика фанлари номзоди Аббос Ҳайдаровдир. Ёш олим ўзи илмий изланиш олиб бораётган мавзу юзасидан Германиянинг Лейпциг, Буюк Британиянинг Лидс ва Корея Республикасининг Хан Йанг университетлари олимлари билан ҳамкорликда ишламоқда.

Ёш олимнинг илмий изланишдан кўзлаган мақсади маноўлчамли пластик материалларни олиш ҳамда уларнинг хусусиятларини ўрганиш эди. У эришган натижалар буйича ёзган мақолалари дунёнинг энг нуфузли илмий нашрлари — “European Polymer Journal”, “Polymer Bulletin”да ҳам эълон қилинди.

Маноўлчамли диблук юпка плёнкаларда маноструктуралар ҳосил бўлиши, полимерлар ва металллар орасидаги адгезияни ўрганиш ва маноўлчамли композицион материалларнинг тузилиши ҳамда хос-саларини аниқлаш буйича ўтказилган тадқиқотларига Европа ва Осиёнинг етуқ олимлари — профессорлар С.Перрмер, В.Хамлей, Ф.Кремер, Ч.Папалокис ва бошқалар юқори баҳо берди.

Аббос Ҳайдаров илмий хулосалари асосида юқори қувватли манбаларда изоляторлар, автомобилсозликда деталар ва замонавий дизайн элементлари ишлаб чиқарилди. Шу боис уни тажрибада қўллаш дунё аҳамиятига эга иқтисодий самара бериши кутилмоқда.

Муҳаммадҷон МАҲМУДОВ

ORAMIZDAGI ODAMLAR

Ҳаёти ибрат онахон

Худди аскарлардай шахдам одим ташлайдиган бу онахонимизни туманимизда болалардан тортиб қариларгача ҳамма танийди ва хурмат қилади. Бу аёл Иккинчи жаҳон уруши қатнашчиси Ўрингул Садвақасовалар.

Онахон 1923 йили Қорақалпоғистон Республикаси Шаббоз (ҳозирги Беруний) туманида таваллуд топган. Кичкиналигидаёқ ота-онасидан етим қолгач, 1932 йили қариндошлари уни Қармоқчи (Қозғоғистон Республикаси, Қизил Ўрда вилояти) туман болалар уйига топширишган.

1942 йили уруш қизин давом этаётган бир вақтда 8-синф ўқувчиси Ўрингул бирга ўқийдиган дўгоналари Злиха Кебекбасва, Гулбала Жанзақова ва Вера Андреевалар билан биргаликда туман ҳарбий комиссариатига урушга юборишларини сўраб ариза ёзди ва бир қанча вақтдан кейин уларни ҳарбий тайёрликка чақириб, Ўзбекистон, Туркманистон ва Қозғоғистондан келган қизлар билан радист, санитарка, снайпер ва ҳайдовчилар тайёрловчи курсларга ўқишга юборишди.

Ўрингул опа ҳайдовчилик курсини тугатиб, Сталинград фронтига жўнатилади.

Онахонимиз “Полутерка” автомашинасида самолётларга ёнилғи, ўқ-дори ва фронтга зарур барча юкларни ташийди.

Уруш тугагач, кўкси орден ва медалларга тўла Ўрингул Садвақасова ўзи тарбияланган жой — Қармоқчи туманига, кейин тузилган жойи Шаббозга келди ва тумандаги турли ташкилотларда ишлади.

Опа туман “Союзпечать” агентлиги (ҳозирги “Матбуот тарқатувчи”)да бош ҳисобчи вазифасида 31 йил меҳнат қилди. У Афза Ешанова, Зухра Бекниёзова, Нурмахан Ўтекулов каби шогирдлар етиштирди.

Ўрингул опа нафақага чиқса-да, уйда ўтирмади. Умр йўлдоши Қазанбой Мамутов билан тўрт нафар неварога таълим-тарбия бериш билан бирга, туман “Нуроний” жамғармаси мутахассиси вазифасида ёшларни бу азиз Ватанни севишга, эришган ютуқларимизни асраб-авайлашга ўргатмоқда, қарияларни қадрлаш, уларга моддий ва маънавий ёрдам беришдек эзгу ишларда қатнашмоқда.

Н.ЎТЕКУЛОВ,

Қорақалпоғистон Республикаси “Матбуот тарқатувчи” ШК Чимбой тумани бўлим мудири

➤ NISHONDORLARIMIZ

Фаоллардан бири

Феруза Ботирова кишлокда туғилиб ўсганлиги боис, кишлоқ шаронтини яхши тушунади. Шунингдек, кишлокда почта хизматини ташкил этишнинг ўзинга хос нозик ва мураккаб сир-асрорлари борлиги ҳам унга бегона эмас.

Айниқса, ҳамма бири-бирини яхши танийдиган маҳалла шароитида пенсионерлар пенсиясию болалар нафақасини бир кун эмас, ҳатто бир соат ҳам кечиктириб бўлмастлигини Ферузахон жуда яхши билади. Бунинг устига кишлоқ жойда транспорт қатнови камлиги ҳам бир муаммо. Хуллас, бу иш фидойи бўлишни талаб этади.

Қаҳрамонимиз ёш бўлсада, кўпчиликка ибрат бўла оладиган соҳа жонқуярларидан. У бу машаққатли соҳа ташвишига, нонига, шониға ўн саккиз ёшлигидан шерик. 1987 йилда дастлаб Кармана туман шўъбаси “Кармана-3” алоқа бўлимида бошлиқ бўлиб иш бошлаган ёш мутахассис кейинчалик туман шўъбаси оператори ва 1992 йилдан буён эса “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Навоий филиали Кармана почта алоқаси тармоғи “Кармана-3” алоқа бўлимини бошқариб келмоқда.

У раҳбарлик қилаётган алоқа бўлими 1056та оилага ёки беш минг нафарга яқин аҳолига, 400 нафар пенсионерга, иккита кишлоқ ҳамда маҳалла, иккита умумтаълим мактаби, биттадан болалар боғчаси ва кишлоқ врачлик пункти ҳамда бир қанча ташкилот ва корхоналарга хизмат кўрсатади. Ф. Ботирова почта хизматини намунали ташкил этиш билан бир қаторда, аҳолидан газ, электр энергияси, телефон ва бошқа коммунал тўловлар йиғиш бўйича ҳам ижобий натижаларга эришмоқда. Алоқа бўлими ҳаракати билан 2009 йил давомида бу борадаги режа 130 фоизга уддаланди. 2010 йилнинг биринчи чорагида эса 19 миллион сўм маблағ йиғилиб, режа 150 фоизга бажарилди. Жорий йил учун 3 миллион сўмдан ортиқ матбуот нашрларига обунани ташкил этишда ҳам алоқа бўлими ходимларининг, шахсан бўлим бошли-

нинг хиссаси катта.

Халқимизда “Меҳнат қилган элда азиз”, деган аjoyиб нақл бор. Феруза Ботирова ҳам фидойилиги ва жонқуярлиги туфайли обрў-эътибор топди. Бир неча бор Кармана туман ҳамда Навоий вилоят ҳокимининг фахрий ёриқларини олишга сазовор бўлди. Яқинда алоқачиларнинг касб байрами муносабати билан Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Бош директори буйруғига биноан мукофотланган тизим ходимлари сафига Кармана почта алоқаси тизими иқтисодий-молиявий ривожланишига ўзининг муносиб хиссасини қўшиб, ўзи раҳбарлик қилаётган алоқа бўлимида анъанавий ва нонанъанавий почта хизмати кўрсатишда ҳамкасбларига ўрнатилган шогирдларига намуна бўлмоқда.

Маруза ҲОСИЛОВА,
“Xabar”нинг Навоий
вилоятидаги мухбири

➤ YOSHLAR SOG'LOM TURMUSH
TARZINI TANLAMOQDA

Оқ тутуннинг зулмати

Халқимиз тансихатлик — туман бойлик деб бежиз айтмаган. Фарзанд туғилса етти мучаси соғ бўлсин деб Яратгандан сўрайди. Кексалар дуога қўл очганда, кизил юзинг сарғаймасин, иссик жонинг иситма кўрмасин, деб тилак билдиради.

Илдизи соғлом дарахт гуркираб ўсади, чаппор уриб гуллайди, ширин мевалар беради. Инсон зотининг танаси, меваси эса фарзандидир. Соғлом ота-онадан етти мучаси соғ гўдак дунёга келади. Соғлом, дуркун фарзанд эса оила қувончи, хонадон бахти, жамиятнинг келажагидир...

Минг афсуслар бўлсинки, кўча-кўйда сигарет чекаётган ҳомилалар аёлларни кўриб қолаш. Ушбу зарарли одат ҳомилаларликка қанчалик зарарлигини наҳотки билмаса деб ташвишланамиз. Тамаки чекиш фақат бўлажак онанинг соғлиғига таъсир кўрсатибгина қолмай, балки бола вақтидан илгари туғилишига сабаб бўлади. Бола ташлаш хавфи эса 27 фоизга ортади. Сигарет чеккан оналарнинг қизларида эса юқоридаги хавф энди 29 фоизга етади. Агар бунинг устига бувиси чеккани қўшилса 60 фоизга етади. Сигарет чеккан оилаларнинг болалари баъзан бош мияси шикастланиб туғилади. Уларда ҳар хил руҳий хасталиқлар келиб чиқиши мумкин. Баъзан эса бош мия ривожланиши ортда қолиш кузатилади.

Чекмайдиган аёлларда ҳомилаларлик-

нинг ўрта даври жисмонан ва руҳан хушқайфиятда ўтади. Кашанда аёлларда эса бундай ҳолатлар бўлмайди.

Шу ўринда бир ривоят ёдга тушади.

Савдогарлар бозорга биринчи марта тамаки олиб келишганида бир доно одам “Тамаки соғлиқ учун зарар келтиради”, — деб айтган экан. Бозор касод бўлиб тамакини ҳеч ким олмай қўйибди. Бундан норози бўлган савдогарлар тамаки ҳақида ўз фикрини ўзгартиришни донодан илтимос қилибдилар.

Шунда доно: “Халойиқ! Тамаки чекканларни ит қопмайди, уйига ўғри тушмайди, ўзи қармайди!” — дебди.

“Бу нима деганингиз, олдин тамаки кони зарар, чекманг, деган эдингизку?” — деб сўрашибди.

Доно жавоб берибди: “Тамаки чеккан киши ҳассага таяниб қолади, ҳассалик кишини ит қопмайди, чеккан одам доим йўталади, ўғри уй эгаси бедор экан, деб уйига кирмайди. Чеккан одам қаримасданок ўлиб кетади”.

Қиссадан ҳисса шуки, кашандаликнинг хавфлиги фақат тамаки чекувчи одамнинг ўз саломатлигига тузатиб бўлмас зарар етказиши ва қурбонига айланганлигидангина эмас, балки атрофдагиларга ва беғубор табиатга етказадиган зарари билан ҳамдир.

Огоҳ бўлинг, тамакининг “оппоқ” тути қора кунларингиздан даракчи бўлиши мумкин.

М.САИДАҲМЕДОВА, КАЛИМОВА,
Тошкент шаҳридаги 55-оилавий
поликлиника шифокорлари

“ЎЗБЕКТЕЛЕКОМ” АКЦИЯДОРЛИК КОМПАНИЯСИ АКЦИЯДОРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

“Ўзбектелеком” АК акциядорларининг умумий йиғилиши 2010 йил 25 июн куни соат 9:00да Тошкент шаҳри, Навоий кўчаси, 28- “б” уйда жойлашган Алоқа тарихи музейининг мажлислар залида бўлиб ўтади.

Йиғилиш кун тартиби:

1. “Ўзбектелеком” АК акциядорларининг умумий йиғилиши регламентини тасдиқлаш тўғрисида.
2. “Ўзбектелеком” АКнинг 2009 йил якуни бўйича молиявий-ҳўжалик фаолияти ҳисоботи тўғрисида.
3. “Ўзбектелеком” АКнинг 2009 йил молиявий-ҳўжалик фаолияти якуни бўйича тафтиш комиссияси хулосасини тасдиқлаш тўғрисида.
4. “Ўзбектелеком” АКнинг 2009 йил бухгалтерлик баланси ва йиллик ҳисоботини тасдиқлаш тўғрисида.
5. “Ўзбектелеком” АКнинг 2009 йил натижалари бўйича соф фойдани тақсимлаш ва дивидендлар тўлаш тўғрисида.
6. “Ўзбектелеком” АК уставига ўзгартиришлар ва қўшимчалар киритиш тўғрисида.
7. “Ўзбектелеком” АКнинг 2010 йил Бизнес-режасини тасдиқлаш тўғрисида.
8. “Ўзбектелеком” АКнинг 2010 йилги аудиторини тасдиқлаш ва аудитор хизматига тўланадиган ҳақ миқдори чегарасини белгилаш тўғрисида.
9. “Ўзбектелеком” АК Кузатов кенгашининг 2009 йил якунлари бўйича ҳисоботи тўғрисида.
10. “Ўзбектелеком” АК Кузатов кенгаши аъзолари янги таркибини сайлаш тўғрисида.
11. “Ўзбектелеком” АК бош директорини тасдиқлаш тўғрисида.

Акциядорлар умумий йиғилишга шахсини тасдиқловчи ҳужжат, вакиллари эса нотариал тартибда тасдиқланган ишончнома билан келишлари шарт.

Умумий йиғилиш билан боғлиқ бўлган ҳужжатлар билан А.Темур кўчаси, 24-уйда танишиш мумкин.

Маълумот учун телефонлар:
239-23-78, 234-96-30.

“Ўзбектелеком” АК Кузатов кенгаши



SOUTH AFRICA 2010

Эрматов хуштаги билан ЖЧ-2010 ўйинлари бошланди

ЖАРда хамюртимиз Равшан Эрматовнинг хуштаги янгради ва шу билан футбол бўйича XIX жаҳон чемпионати старт олди.


Мундиалнинг ilk учрашуви ўзбекистонлик ҳакамга топширилгани жаҳоннинг кўплаб мутахассислари ва мухлисларида таажжуб уйғотганди. Аммо Эрматов ва унинг бригадаси стадионга йиғилган 94 000 мухлис олдида вазифани ажойиб тарзда бажарди. Бунинг исботи – иккинчи турдан ўрин олган Англия – Жазоир қарама-қаршиликни бошқариш ҳам вакилимизга ишониб топширилди. Биринчи турда ўйинларни бошқарган барча ҳакамларга ҳам бундай имконият берилгани йўқ.

Тўрт йилда бир бор ўтказиладиган мундиал баҳсларининг биринчи тур учрашувлари қўтилган ва қўтилмаган натижаларга бой бўлди. ЖЧ чемпионлигига фаворит сифатида қаралган жамоалардан фақат Германия ва Голландия яхши натижани қайд этди. Италияликлар доимгидек дуранг билан бошлади. Бразилия ва Аргентина қийинчилик билан уч очкони қўлга киритди, Европа чемпионлари – испанлар эса маглубият аламини тотиб кўришди.



Биринчи тур натижалари:

<p>«А» гуруҳи ЖАР – Мексика – 1:1 Голлар: Тшабалала, 55 – Маркес, 79. Уругвай – Франция – 0:0</p>	<p>«В» гуруҳи Аргентина – Нигерия – 1:0 Гол: Хайнце, 6. Жанубий Корея – Греция – 2:0 Голлар: Ли Жун Су, 7; Парк Жи Сун 53.</p>	<p>«Е» гуруҳи Голландия – Дания – 2:0 Голлар: Поулсен (46-автогол); Дирк Куйт, 84. Япония – Камерун – 1:0 Гол: Кейсукэ Хонда, 38.</p>
<p>«С» гуруҳи Англия – АҚШ – 1:1 Голлар: Стивен Жеррард, 4 – Клинт Демпси, 40. Жазоир – Словения – 0:1 Гол: Роберт Корен, 79.</p>	<p>«Д» гуруҳи Сербия – Гана – 0:1 Гол: Асомоа Гян (85 пен). Германия – Австралия – 4:0 Голлар: Лукаш Подолски, 8; Мирослав Клозе, 27; Томас Мюллер, 68; Какау, 70.</p>	<p>«Г» гуруҳи Италия – Парагвай – 1:1 Голлар: Даниел де Росси, 63 – Антолин Алкарас, 39. Янги Зеландия – Словакия – 1:1 Голлар: У.Райд, 90 – Т.Витек, 49.</p>
		<p>«Н» гуруҳи Гондурас – Чили – 0:1 Гол: Жан Босежур, 34. Испания – Швейцария – 0:1 Гол: Фернандес, 52.</p>



ФУТЗАЛ

Самарқандда футбол байрами

Самарқанд шаҳридаги олимпия захиралари спорт коллежи манежида Ўзбекистон алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги ҳамда Алоқа ходимлари касаба уюшмаси марказий кенгаши соврини учун Баркамол авлод йилига бағишланган фўтзал мусобақаларининг вилоят саралаш ўйинлари ўтказилди.

Мусобақада “Ўзбекистон почтаси” ОАЖ Самарқанд филиали, “Самарқанд Телеком”, “Ўзи-Самарқанд” филиаллари, 4-Шаҳарлараро магистрал алоқа тармоғи боғламаси ва вилоят радиотехника назорати станцияси ғолиблик учун кураш олиб борди. Утган йиллардан фарқли равишда мурасиз ва тенг курашлар натижасида кичик ҳисобларда 4-ШМАТБ жамоа-

си биринчи ўринни, “Ўзи-Самарқанд” филиали жамоаси иккинчи, вилоят радиотехника назорати станцияси жамоаси учинчи ўринни эгаллашди.

Ғолибларга Агентлик ҳудудий бошқармаси ва вилоят алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг дипломлари ва кубоклари тантанали равишда топширилди. Энди Жиззах шаҳрида ўтказиладиган “Ғарбий” минтақавий мусобақаларда 4-ШМАТБ жамоаси Самарқанд вилояти шарафини ҳимоя қилади.

Т.РАҲМАТОВ,

Самарқанд вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитаси раиси

Вилоят босқичи

Сурхондарё вилоят алоқа корхоналарида спортнинг оммавийлигига эришиш учун сезиларли ҳаракатлар бўлмақда. Эътиборлиси, шуғулланилаётган спорт турлари сони ортиб, моддий-техника базаси мустаҳкамланмоқда.

Вилоят алоқа корхоналарида, айниқса, мини-футбол ишқибозлари сафи кенгайиб борапти. Шунинг учун ҳам спортнинг бу тури баҳслари тобора қизғин тус олмақда Баркамол авлод йилига бағишланиб “Алпомиш” ўйингоҳида ўтказилган мусобақада Зоиждон Аҳмедов раҳбарлик қилаётган вилоят Электромагнит мослашув маркази жамоасининг қўли балан келди. Улар 2008 йили ҳам вилоят босқичида ғолиб бўлиб, республика биринчилигида иштирок эттишганди. Жамоа фўтзалчилари бу гал ҳам ғолибона юршиларини давом эттириш ниятидалар.

Қизғин кечган баҳсда республика йўлнамасини қўлга киритган ғолиб жамоага Сурхондарё вилояти алоқа ходимлари бирлашган касаба уюшмаси қўмитасининг кўчма кубоғи, дипломи ва эсдалик совғаси топширилди.

З.НОРТОЖИЕВ

Темур Гареев халқаро турнир ғолиби

Ўзбекистонлик халқаро гроссмейстер Темур Гареев АҚШнинг Лас-Вегас шаҳрида ўтказилган шахмат бўйича очиқ турнирда ғолиб чиқди.

Дунёнинг ўндан зиёд мамлакатидан келган 105 нафар шахматчи қатнашган нуфузли мусобақада хамюртимиз кетма-кет беш партиядо россиялик Вадим Кудрявцев, арманистонлик Адраник Матикозян, америкалик Даниел Фридман, Никола Седлак ҳамда Варужан Ақобяни енгли.

Самарбек Хамроевнинг олтин медали

Сингапурда ўтказилган каратэ бўйича халқаро турнирнинг кумитэ баҳсида хамюртларимиздан Самарбек Хамроев олтин, Бахтиёр Позилжонов кумуш медалга сазовор бўлди.

Екатерина Хилко ва Анна Савкинада бронза

Швейцариянинг Давос шаҳрида ўтказилган трамполин бўйича жаҳон кубоғи мусобақасининг иккинчи босқичида ўзбекистонлик Екатерина Хилко ва Анна Савкина батутда синхрон сакраш баҳсида 45,1 балл тўплаб, бронза медални қўлга киритди.

YURTIMIZ DURDONALARI


Халқимиз эришган Муस्ताқиллик нафақат юртимиз аҳолиси, балки шу юртда яшаб ўтган азиз авлиёларнинг ҳам руҳлари шод, қабрлари обод бўлишига сабаб бўлди. Бунинг боиси ана шу муस्ताқиллик туфайли кўплаб улуг инсонлар абадий кўним топган масканлар қайта таъмирланди, ноёб ва қадимий ёдгорликлар асл ҳолига келтирилиб, зиёратгоҳ жойларга айланганди. Ана шулардан бири Самарқанд шаҳрида жойлашган Шоҳизинда меъморий ёдгорлигидир.

Бу машҳур обида Афросиёб тепалиги жанубида жойлашган бўлиб, унинг юқори қисмида зиёратхона, уч қисмдан иборат масжид, Хожа Аҳмад мақбараси, 1360-1361 йилларда қурилган мақбара, Туман оғо мажмуаси (1405-1406), иккита номсиз мақбара (XIV аср охирининг кирвериш девори, Тамғоч Бугроҳон мадрасаси (XI аср), Амир Бурундук мақбараси (XIV аср)дан иборат. Мазкур ансамбл таркибидаги 20дан ортиқ иншоотлар давлат муҳофазасига олинган. Асрлар силсиласидан ўтиб келган бу ёдгорлик халқимизнинг бебаҳо бойлигидир. Унинг кўркам кўриниши ортда боболаримиз ўтмиши яширинган.

Ансамблдаги энг қадимги мақбара Кусам ибн Аббос мақбараси бўлиб, у халқ орасида Шоҳизинда (тирик шоҳ) номи билан машҳур. Ушбу мақбара тўғрисида бир қанча афсоналар мавжуд.

Уларда келтирилишича, пайгамбаримиз Муҳаммад (с.а.в)нинг амакиваччаси Кусам ибн Аббос 677 йилда ислом динини тарқатиш

мақсадида Самарқандга келади. Кўпчилик одамлар у зотга иззат-икром кўрсатган ҳолда эргашадилар. Табиийки, бу ҳолат дин душманларига ёқмайди ва унга қарши кураш бошлайдилар. Жангларида тобланган саркарда-



ШОҲИЗИНДА

ни энгишининг иложи бўлмайди. Шунда улар ҳийла йўлига ўтадилар. Яъни, ибодат пайтида ҳеч нимага чалгимасликларини билиб, номоз ўқиётган пайтида ўлдиришга қарор қиладилар.

Ва ниҳоят жамоа намози пайтида улар ҳар томондан қилич билан ёпирилишади. Ибодатдагиларнинг ҳеч бири намозини бузиб, қўлига қурол олмайди. Кусам ибн Аббос намозини тутатиб олишини сўраб, Аллоҳга ёлворади. Унинг ноласи етиб боради ва намозини яқунлаб олади. Шунда беҳосдан еририлиб, ер қаърига сингиб кетади. Атрофдагилар ҳайратдан ёқа ушлайдилар. Шу тариқа Шоҳизинда (тирик шоҳ) атамаси пайдо бўлади. Бошқа афсоналарда айтилишича, Кусам ибн Аббоснинг чуқур қудуққа тушиб, ғойиб бўлгани, у ҳамон тириклиги

ҳақида гапирилади.

Ансамбл бир-бири билан йўлак орқали боғланган уч гуруҳ иншоотлардан иборат. Куйи гуруҳдаги бинолар Улуғбекнинг ўғли номидан қурилган Абдулазиз чортоғи (1434-1435), унинг шимолида Давлат Қушбеги мадрасаси (1812-1813) туташган. Мадраса қарши-сидаги масжид нақшлар билан нафис безатилган. Ўрта гуруҳдаги бинолар: Амирзода Туғлу Текин, Ширинбек оғо мақбаралари, қарши-сидаги Темурнинг бошқа синглиси Туркан оғонинг саккиз қиррали ва Али Насафий мақбарасидир.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2004 йил 16 июл қарорига асосан Шоҳизинда мажмуасида кенг кўламадаги таъмирлаш ва ободонлаштириш ишлари олиб борилди.

Г.ҲАЙДАРОВА

NAZM GULSHANI

Эрк кўшиғи

Осмонда юлдузлар чарақлар абад,
Яхшилар туфайли кўнгилар обод.
Ҳаёт мангу яшар, кулар саодат,
Юрт озод, эл озод, вужудлар озод.

Улуғлар хокини айламоқ тавоб,
Оламини беэмоқ энг олий савоб.
Эзулик ҳеч қачон қолмас бежавоб,
Юрт озод, эл озод, вужудлар озод.

Бахтингдан фол очар турфа хил савол,
Юракни эзолмас чиркин бадхаёл.
Беҳато унади экилган ниҳол,
Юрт озод, эл озод, вужудлар озод.

Бир четда қоврилиб ётар хиёнат,
Дунёда қувилгай тўхтаб маломат.
Кунма-кун буй чўзар кўкка диёнат,
Юрт озод, эл озод, вужудлар озод.

Термизим

(Термиз шаҳрининг 2500 йиллигига)


Жайхун дарё бўйида
Чирой очган шаҳарсан,
Самарқанду Бухородек
Машҳур ёруғ жаҳонсан.
Озод диёр қўйнида
Гуллаётган наҳорсан,
Термизийлар руҳини:
Шодлаётган шаҳар сан.
Ватан сарҳадларини
Кўриқлаган кўргоним,
Юрт корига яраган
Алпомишдек ўғлоним.
Тарихи минг-минг йилга
Туташ шаҳри азимсан,
Мен сенинг ман, сен менинг
Қалбимдаги розимсан.



Хуррам РАЙИМОВ
Сурхондарё вилояти,
Денов тумани

KROSSWORD

1. Асилзода, зодагон.
2. Швед астрономи ва физики шарафига номланган ҳарорат шкаласи.
3. Шри-Ланка.
4. Денгиз жонивори.
5. Йиртқич куш.
6. Қадимий торли соз.
7. Кимёвий элемент.
8. Амударё ирмоғи.
9. Журналист.
10. Испан денгиз қароқчиси.
11. Тоғда яшовчи ёввойи эчки.
12. Ҳиндистондаги афсонавий ўлка.
13. Паоло Коэло асари.
14. Калтакесак тури.
15. Қуш деворли идиш.
16. Грузиядаги энг баланд тоғ чўққиси.
17. Юк кемаси.
18. Қуёшни 29,46 йилда бир маротаба айланиб чиқувчи сайёра.
19. Эшиқбон.
20. "Шайтанат" асаридаги персонажлардан бирининг лақаби.



Тузувчи С.ТЕМИРОВ.

Табриклаймиз!

"Ўзбекистон почтаси" ОАЖ Фарғона филиали жамоаси Олтириқ почта алоқаси тармоғи ходими Аминжон СОДИҚОВни 60 ёши, Фарғона почта алоқаси тармоғи ходими Тўхтасин НАЗИМОВни 50 ёшга тўлишлари муносабати билан чин дилдан табриклайди. Уларга мустаҳкам соғлиқ, узоқ умр, фарзандлар роҳатишни кўришликни тилайди.

<p>Xabar</p> <p>МУАССИС:</p> <p>ЎЗБЕКИСТОН АЛОҚА ВА АХБОРОТЛАШТИРИШ АГЕНТЛИГИ</p> <p>Бош муҳаррир: Абдусайд КҮЧИМОВ</p>		<p>ТАХРИР ХАЙЪАТИ:</p> <p>Ҳақим МУҲИТДИНОВ (Ҳайбат раиси), Асаджон ХҲҲАЕВ, Миродил САНГИЛОВ, Шухрат СОДИҚОВ, Шухрат АТАМУҲАМЕДОВ, Сувои НАЖИБДИНОВ, Рустан ҚОСИМОВ, Солиқжон ҚОСИМОВ, Абдуғани АБДУРАҲМОҲОНОВ (Бош муҳаррир ўринбосари), Лутфилло ТУРСУНОВ (масбул котиб).</p> <p>Тахририятга келган кўлзма ва суратлар эгаларига қайтариб берилади. Муаллифларнинг фикрлари тахририят фикридан фарқлангани мумкин. Нашримиздан кўчириб босилганда "Xabar"дан олинганлиги кўрсатилиши шарт.</p> <p>Тижорий материал — ❌ Реклама матнларининг тўғрилигига тахририят жавобгар эмас. Газетани тайёрлашда интернет материалларидан ҳам фойдаланилади.</p>		<p>МАНЗИЛИМИЗ:</p> <p>100043, Тошкент, Бунёдкор шоҳқўчаси, 8-уй. Тел.: 288-40-65; 288-40-66, 288-40-69. Факс: 288-40-72. E-mail: info@xabar.uz</p> <p>Обуна индекси — 228.</p> <p>Газета тахририят компьютер базасида терилди ва саҳифаланди. Дизайнер: Аслиддин БҮРИЕВ. Навбатчи: Усмонов ЙҮЛДОШЕВ.</p>									
<p>Газета Ўзбекистон матбуот ва ахборот агентлиги томонидан 0016 рақами билан 2006 йил 6 декабрда рўйхатга олинган.</p>		<p>Газета ҳафтанинг жума кўни чиқади</p>		<p>"Шарқ" нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонасида чоп этилди. Мавзил: Тошкент шаҳри, "Буюк Турон" кўчаси, 41-уй.</p>		<p>G-502 сонли буюртма. Оффсет усулида босилди. Қоғоз бичими А-3, ҳажми 4 босма табоқ. Адади: 17018 нусха.</p>		<p>ISSN 2010-6424</p> <p>Босишга топширилди — 20.00. Босишга топширилиш вақти — 20.00.</p>					
<p>Вилоят муҳбирлари:</p>	<p>Андижонда 226-47-80</p>	<p>Бухорода 223-27-85</p>	<p>Гулистонда 40-12-19</p>	<p>Жиззахда 226-06-34</p>	<p>Навоийда 225-91-10</p>	<p>Наманганда 226-61-85</p>	<p>Нукусда 554-35-45</p>	<p>Самарқандда 233-61-81</p>	<p>Термизда 224-06-12</p>	<p>Тошкентда 288-40-66</p>	<p>Урганчда 226-37-16</p>	<p>Фарғонда 226-87-71</p>	<p>Қаршида 314-08-99</p>